

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Ш. СИДДИҚОВА

# ЭСТЕТИКА

*(ҚИСҚАЧА КУРС)*



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 2002

**Сиддиқова Ш.**

Эстетика: (Қисқача курс) / Масъул муҳаррир Н. Мамадалиев. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. — 72 б.

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази.

Ушбу эстетика фанидан қисқача курс Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар асосида тайёрланган.

Рисола янги турдаги зиё масканлари — академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва талабаларига ҳамда мазкур фанга қизиқувчиларга мўлжалланган.

87.8

Муаллиф: **Сиддиқова Шоҳиста**, Асака академик лицейи эстетика фани ўқитувчиси.

Тақризчи: **Н. Наҳангов**, ЎЗМУ қошидаги С. Сирожидинов номи академик лицей «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудир.

Масъул муҳаррир: **Н. Мамадалиев**, ЎМКХТРИ Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети доценти.

Мазкур қисқача курс ЎМКХТРИ Илмий кенгашининг 2001 йил 5 октябрдаги (баённома №7) йиғилишида муҳокама қилиниб, чоп этишига тавсия этилган.

Ушбу қўлланмани нашр этилишида ҳомийлик қилган Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошидаги БИ «Техномаркет» раҳбариятига муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

© А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002 й.

© Андижон Давлат университети қошидаги Асака академик лицейи, 2002 й.

9 0301080000 - 330 қат. бюр. 2002  
М361(04) - 2002

## СЎЗ БОШИ

Ҳозирги кунда баркамол инсонни тарбиялаш, нафақат инсон, балки жамиятни комиллик даражасига кўтариш муаммоси аввалги даврлардагидан ўткирроқ қўйилмоқдаки, бу вазифани бажаришда барча фанлар силсиласида нафосатшунослик — эстетиканинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларнинг дунёқарашини миллий ва фалсафий томонларини ривожлантириш, инсон тафаккури ва меҳнати натижалари, шунингдек, ижод, кашфиёт ва санъатнинг нодир ва ноёб намуналари эса, умумжаҳон мулки ва шарафи эканлигини ёшларга сингдириш, илмий ва ижодий қобилиятларини юксалтиришга йўл очади.

Ирода ҳақидаги фан — эстетика, ақл ҳақидаги фан — мантиқ ўз мавзу доирасида ҳаракатда экан, бинобарин ўзидан инсоннинг сезги, руҳ ва ҳиссиётлари ҳақидаги ушбу фанга бўлган талаб ва эҳтиёжлари улардан кам бўлмайди, албатта. Сўзни мухтасар қилиб айтганда, республикамиздаги ўтиш ва ривожланиш босқичлари таълим соҳасида катта ўзгариш ва кашфиётларни талаб қилар экан, ушбу қўлланма жамиятнинг мустақиллик маънавиятини таъминлашдаги денгизга томчи бўлиб қўшилади деган умиддамиз.

Қўлланмани тайёрлашда ўз фикр ва мулоҳазалари билан кўмаклашган истеъдодли олим Н. Мамадалиевга, қисқача курс юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган устоз тақризчиларга самимий миннатдорчилигимни билдираман. Зеро, мазкур маърузалар матни камчилик ва нуқсонлардан ҳам холи эмас.

Ҳурматли китобхон!

Ушбу қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳаза, таклиф ва эътирозларингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдириб, 2002 йил июл ойигача қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.

*Тошкент ш., 700095. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 76-уй. ЎМКҲТРИ Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети, «КҲТ педагогика ва психология кафедраси.*

**Муаллиф**

## БИРИНЧИ ДАРС

### МАВЗУ: ЭСТЕТИКА ФАНИНИНГ МАВЗУСИ, БАҲСИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ.

#### *Мавзу режаси:*

1. Эстетика фани предмети, мавзуси.
2. Мақсади ва вазифалари.
3. Бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Нафосат илмининг мустақиллик маънавиятини шакллантиришдаги ўрни.

*I. Кириш:* Нафосат илми — эстетика қадимги ва навқирон фанлардан бири бўлиб, у ўрганадиган соҳалар қамрови кенгайиб боради. Айни вақтда маънавий эстетик муаммоларни тадқиқ этиш олимлар ва файласуфлар эътиборини доимо тортиб келади. Бу эса эстетика фанининг инсон учун, жамият учун энг зарур бўлган илм соҳаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Миллий мустақилликни таъминлашнинг маънавий-ахлоқий негизлари шубҳасиз, эстетик қадриятларга ҳам суянади. Халқимизнинг бой эстетик мероси ва унинг тарихи билан яқиндан танишиш, маънавий сабоқлардан ижтимоий тарбияда амалий фойдаланиш муҳим маърифий ва мафкуравий аҳамиятга эгадир. Модомики, ижтимоий тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук кишилар ҳал қилишга даъват этилгандир.

*II. Эстетиканинг фан сифатида баҳс мавзуи (предмети) нимадан иборат?*

Тафаккур тарихида эстетика нима ўрганади ва ўргатади деган масала ниҳоятда ранг-баранг қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Чунончи пифагорчилар (э. а. VI ва V аср) дунёқарашининг бу соҳаси *фалсафанинг бир қисмидир* ва у оламнинг бутун бир манзарасини яратишга хизмат қилади деб ҳисоблашган.

Антик грек олими Аристотель (э. а. 384—322)—Эстетика табиат ва санъатнинг умумфалсафий масалалари ҳамда поэтика муаммолари билан шуғулланиши керак дейди.

Платон (э. а. 427—347) айтадики, эстетика фани ва унинг диққат марказида санъатни давлат томонидан бош-

қариш вазифалари туриши керак. Ўрта аср илоҳиётшуноси Фома Аквинский (XIII) эстетикани диншунослик фанларидан бири деб эътироф этган.

Италия Уйғониш даври арбобларидан Леонардо да Винчи фикрича, эстетика табиат билан санъатда воқеликнинг ҳиссий билиш муаммосини текширади.

Немис файласуфи Гегель — нафис санъатдаги гўзалликни, Чернишевский — воқеликка эстетик муносабатни ўрганиш билан шуғулланади деган фикрларни билдиради.

Зеро, шундай ранг-баранг қараш ва таърифларнинг умумий хулосасидан келиб чиқиб, қуйидагича таърифни бериш мумкин: *эстетика воқеликни ҳиссий таъсирчанлик (эмоционал) ва руҳий жиҳатдан ўзлаштиришнинг табиати, моҳияти, кўринишлари ва шу фаолиятнинг қонуниятлари ҳақидаги фандир.*

Демак, эстетика фани кенг маънода воқеликни эстетик ўзлаштириш қонунларини ўрганадиган илмий-фалсафий соҳадир. Бинобарин, эстетиканинг баҳс мавзуси куйидагилар:

- а) объектив ҳиссий таъсирчанлик;
- б) субъектив ҳиссий таъсирчанлик;
- в) объектив ва субъектив ҳиссий таъсирчанликнинг диалектик бирлиги (санъат, руҳият, маънавият, табиатда).

*III. Бошқа фанлар билан алоқаси.* Ҳозирги илмий — фалсафий эстетиканинг предмети кенг кўламли ва мураккабдир. Чунки, ҳозирги замон эстетикасида фанлараро алоқалар тез ривожланиб бормоқда. Шунга мувофиқ эстетика масалалари гносеология, социология, инъикос назарияси, психология — руҳшунослик, кибернетика фани ва бошқа соҳалар билан боғлиқ ҳолда ўрганилаётгани маълумдир.

Эстетика ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар ўртасида ўзига яраша ўрин тутди. Унинг бошқа фанлар билан алоқасини аниқлаб олиш бу фаннинг ўзига хослигини, умумий усулини белгилаб олишга ёрдам беради. Бу ҳақда эса “Асосий эстетик тушунчалар — категориялар” ҳақида 8-дарс мавзуси ўтилганда маълумот берилади.

IV. Илму нафосатнинг мустақиллик маънавиятини шакллантиришдаги ўрни.

Кишиларнинг эстетик қобилият ва эстетик эҳтиёж-ни қарор топтириш бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни-да уларнинг эстетик маданиятини талаблар даражасига кўтаришдир. Бошқа томондан, миллий мустақиллик маф-курасининг маънавий негизларини чуқурлаштиришда эс-тетик билимларнинг ўзига хос улуши бор.

Миллий мустақилликнинг маънавий-ахлоқий ва эсте-тик негизларини таъминлашда ва мустаҳкамлашда Ватан маданияти, тарихий меросини ҳар томонлама ўзлашти-риш, ахлоқий — эстетик фикрлар ва хулосалар билан та-нишишнинг аҳамияти каттадир.

Миллий ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган Марказий Осиё — Туркистон халқларининг бой ва сер-қирра эстетик тафаккур тарихи ва ҳозирги замон нафо-сатшунослик илми миллий истиқлол мафкурасини шакл-лантиришда кишиларимизнинг маънавий равнақ топиш-ларини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобла-нади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

*И. А. Каримов.* Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1995 йил. 46-бет.

*М. Абдуллаев. А. Йўлдашев.* Эстетика тарихи. “Фарго-на”. 1996 йил.

“Фан ва турмуш”. № 5—6. 11—12-бетлар.

### ИККИНЧИ ДАРС

#### 1. СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ.

Маъруза мавзуси.  
Антик дунё эстетикаси.

*Мавзу режаси:*

1. Антик дунё эстетикаси. Пифагор.
2. Гераклит, Демокрит, Афлотун (Платон).

3. Сукрот, Арасту, Лукреций Кар.

4. Ўрта аср эстетикаси (Хитой, Ҳиндистон, Византия, Фарб ўрта асри).

Қадимги Греция ва Римда юзага келган ва тараққий қилган эстетик фикрлар йиғиндиси илмий-тарихий адабиётларда антик замон эстетикаси номи остида бериллади. Антик (қадимги) даврда бадиий адабиёт соҳасида, нотиқлик санъатида катта ютуқлар юзага келади. Лирика, драма, тарихий қиссалар ривож топади. Гомернинг “Илиада”, “Одиссея” дostonлари, Гесиоднинг эпик поэмалари каби машҳур бадиий қадриятлар яратилди .

Грек антик дунёси эстетикаси моҳиятида санъат ва маданиятга хос бўлган чуқур мантиқийлик ҳиссий меъёр бадиий воситаларни керагидан ортиқ қўлламаслик, мунозара, тортишувларни севиш, оқимлар кураши, масалага индивидуал қараш, уни кўргазмали тарзда тасвир этишга интилиш тенденциялари мавжуд.

Антик давр эстетикаси 3 босқични ўз ичига олади.

А) илк мумтоз босқич;

Б) етук мумтоз босқич;

В) эллинизм босқичи.

а) *Биринчи босқич*: э. а. VI ва V аср.

Пифагор ва унинг мактаби, Гераклит, Софистлар эстетик мероси.

Пифагор мактаби, уйғунлик — гармония мусиқа илми, сонлар пропорцияси, санъатни идрок этиш билан руҳнинг покланиши, — фалсафий назария марказида — сонларнинг олам яратувчилиқ моҳияти ҳақидаги қарашларини қўяди. Олам чекланганлик ва чексизлик бирлигидан ҳосил бўлган дейди. Платоннинг айтишича, пифагорчилар ҳамма нарсаларни сонга ўхшатадилар. Улар сонлар орқали ифодаланган мутаносибликни гармония (мураттаб) деб ҳисоблайдилар.

II. Антик Грек олими Гераклит (э. а. 530—470) эстетикаси марказида уйғунлик ғояси туради. Унинг қарашлари космогоник хоссага эга. Космосдаги қарама-қаршилик қонуни санъатга ҳам хос дейди. “Рассом оқ, қора, сариқ, қизил рангларни аралаштириб оригинал ранг

яратади. Мусиқа оҳангнинг баланд, паст, узун, қисқа, турли товушлар билан бирга қўшиб куйланганда ягона гармонияни вужудга келтиради”.<sup>1</sup> Гўзаликнинг нисбийлиги ҳақида фикр юритади.

Атомистик назария асосчиси Демокрит (э. а. 460—370) мимезис-тақлидчилик назариясига асос солди. “Биз тақлид йўли билан ўргимчакдан тўқиш, қалдирғочдан уя солиш, қушлардан сайрашни ўрганамиз”.<sup>2</sup>

б) *Иккинчи босқич*: Етук классика. Суқрот, Платон, Аристотель.

Суқрот (э. а. 470—399) ҳар қандай билим ва тасаввурларимизнинг нисбийлигини эътироф этади. Ҳар нарса ўзининг бажарадиган вазифасига қараб, гўзал ёки хунук бўлиши мумкин. Қалқон олтин бўлса-ю, ўз вазифасини адо эта олмаса, у гўзал бўла олмайди.

Гўзалик мезони субъектда, инсоннинг билиш қобилиятида эканини антропологик эстетика яратади. Гўзалик тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтиради, уни ахлоқ билан, фойдалилик ва билимлилик ғояси билан боғлаб тушунтиради.

Платон — Афлотун (э. а. 428—348). Унинг 34 та асари етиб келган. “Пир”, “Фёдр”, “Федон”, “Давлат” асарлари эстетикага бағишланган. Платон анча ривожланган эстетик таълимотни яратди. У фалсафий савол-жавоблар (диолог) устаси. Санъатни (Суқротга ўхшаб) тақлидчилик деб атайди. Унинг фикрича Гўзалик нариги оламга хос бўлган моҳият. У тўғридаги ғоя янгидан яралмайди ҳам, йўқолмайди ҳам. У Замон — макондан ташқарида.

Платон эстетикасида 3 муҳим муаммо алоҳида ўрин тутади:

Ҳиссий таъсирчанликнинг эстетик табиати;

Санъатнинг ижтимоий роли;

Эстетик тарбия масалалари.

в) *Учинчи босқич*: Эллинизм. Узоқ ва мураккаб давр тарихи (э. а. IV аср) дан бошланган инқироз натижасида (шаҳар — давлатлар) антик полис тўла емирила бошланади, кулчилик ривожланади, давлатни бошқариш мураккаблашади. Бу даврда:

<sup>1</sup> Античные мыслители об искусстве. М. 1938. 34-бет.

<sup>2</sup> История эстетики. М. 1962. 86-бет.

Стойцизм;

Скептицизм, шубҳага шубҳа билан қараш.

Эпикурчилик хосдир.

*Стойклар мактаби* эллин фалсафасидаги энг машҳури. Материализм билан идеализм ўртасидаги иккиланувчи фалсафий оқим. Бу оқим вакиллари грек Зенон, Христипп, римликлардан Сенека, Марк Аврелий.

Стойклар табиатни космик санъаткор деб тан олади. Шунинг учун у устун туради. Масалан: Сенека — “Ҳайкалга айланган бронза материя бўлиб, санъаткор унга сабабчи холос”, дейди.

*Скептиклар*. (*Пиррон, Секст Эмпирик II аср*) — Антик замон эстетикасининг таназзулга кетиши натижасини ифодалайди. Масалан: “Раддия” китоблари. Эпикурчилик. Лукреций Кар: Унингча гўзаллик табиатнинг ўз хосасидир, унга тақлид қилишдан санъат юзага келади. (“Олимпика раддия”, Нотикликка раддия”).

Шундай қилиб, Антик замон эстетикасидаёқ эстетиканинг барча муаммо ва категориялари вужудга келди ва улар Ўрта асрларда Ғарбий Европа, Византия, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Қадимги Рус, Эрон ва бошқа ҳудудларнинг эстетик фалсафасини вужудга келтирди.

#### АДАБИЁТЛАР

М. Абдуллаев. “Эстетика тарихи”. 1996 йил.

История эстетики. М. 1962 йил. 86-бет.

Античные мыслители об искусстве. М. 1938 йил. 34-бет.

“Фан ва турмуш”. 5—6 сонлар. 1999 йил.

### УЧИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: ОВРУПА ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ ТАРИХИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА ҚАЙДЛАР.

2 соат маъруза.

2 соат амалий машғулот.

*Мавзу режаси:*

1. Уйғониш даври эстетикаси. Ренессанс намояндалари. Петрарка, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэль, Франсуа Рабле, Шекспир.

2. Классицизм эстетикаси. Р. Декарт, М. Ломоносов, Фонвизин.

3. Маърифатчилик даври эстетикаси, немис мумтоз эстетикаси. Лессинг (Кант, Гегель).

4. Россия ва Кавказ халқлари эстетик ғоялари.

Тарихий тараққиётнинг кейинги босқичи (XIV аср) буржуа ижтимоий муносабатларнинг таркиб топиши билан узвий боғланган. Бу давр маданияти уйғониш ёки Ренессанс маданияти деган умумий ном остида юзага келади. Бу эса фалсафий ва эстетик қарашларнинг табиати, мазмуни ва принципларига чуқур таъсир кўрсади.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг илк намуналари даставвал Италияда тараққий қилди. Шу сабабли XIV асрда шу ерда уйғониш ҳаракати юзага келди. Кейинчалик у Европанинг Англия, Франция, Германия, Испания каби мамлакатларда кенг ёйилди. Янги тарихий жараёнда дунёвий санъат ва маданият камол топди. Китоб нашр қилишнинг кенгайиши турли асарларнинг кенг тарқалишига имкон яратди. Бадиий эстетик ҳаётдаги янгиликларни тезда ўзлаштиришга ижодий таъсир кўрсатди. “Бу ўша даврга қадар инсоният бошидан кечирган тўнтаришлар ичида энг буюк, илғор тўнтариш эди, бу буюк сиймоларга муҳтож давр эди, бу тафаккур кучи, завқу-эҳтироси, феъл-атвори серқирралиги, билимдонлиги жиҳатидан буюк сиймоларни вужудга келтирди”.

Ренессанс босқичлари:

I. Илк Уйғониш — Петрарка, Боккаччо, Альберти.

II. Етук Уйғониш — Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэль, Рабле.

III. Сўнги Уйғониш — Шекспир, Сервантес.

Бу давр “гуманизм асри” деб ном олди. Уйғониш даври эстетикасида назарий бадиий-эстетик амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантирилди.

Санъат тўғрисидаги назарий-эстетик асарларни буюк гуманист ижодкорларнинг ўзлари яратдилар. Масалан:

Леонардо да Винчи (1452—1519). “Тасвирий санъат тўғрисида асар”, Альберт Дюрер “Ўлчаш бўйича қўлланма”, “Пропорциялар...” Альберти (1404—1472) “Меъморчилик ҳақида ўн китоб”. Уларнинг барчаси ҳақиқий санъат, ҳаётни акс эттиради, ўз бўёқлари, идеаллари, пропорцияларини, табиатдан олади. Буюк ва гўзал инсон образини яратишга интилади деган эстетик принципларни илгари сурдилар. Бу эса реализмнинг моҳиятини ташкил этади.

Бироқ, бу даврда улкан бадиий тажрибалар руҳига мос эстетик тизим ва назариялар яратилмади. Бунинг учун табиийки, фалсафий-назарий фикрлар юксак даражада ривожланган бўлиши лозим эди.

Бундай кўтаринкилик XVII асрда вужудга келди. Назарий фикрнинг умумий маданияти юксалди. *Бу давр классицизм (лотинча — биринчи даражали) оқимни шакллантирди.*

Классицизмнинг асосий принципларини Рене Декарт (XVII аср) асослаб берган. Н. Буало (француз) (1631—1711) “Поэтик санъат” асарида унга қўшимчалар киритган. Улар санъаткорнинг вазифаси тафаккур кучи ва мантиқи орқали ишонтира олишдир дейди. Н. Буало эстетикаси антик замон ақидаларини такрорлашга чақирди. Классицизм бадиий шакл юксаклиги, аниқ услуб ва сўз тиниқлиги учун курашди. Моҳиятига кўра эса ҳаётни абстракт-мавҳум идеал нуқтаи назарига кўра талқин этди.

XVII—XVIII аср буржуа инқилобий ўзгаришлари даврида шу давр мафкурасининг етакчи қисми.

*Маърифатпарварлик* классицизм эстетикасини кескин танқид остига олди. Феодал аслзодаларнинггина кунига ярайдиган, табақаланган санъатнинг умри қисқа экани исботланди. *Маърифатпарварлик* ҳаракати Францияда инқилоб муқаддимаси бўлди. Крепостной ҳуқуқларига қарши кураш, илм-маърифат, эркинликни ёқлаш, халқ ва деҳқонлар фаолиятини ҳимоя қилиш, умумий фаровонликка эришишга интилиш бу ҳаракатнинг гоёвий мақсади бўлди.

Эстетика соҳасида маърифатпарварлар тарбияга катта умид боғладилар. Ахлоқий-сиёсий, эстетик принциплари тантана қиладиган жамият кўришни орзу қилдилар. Уларнинг фикрича шахс ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги зиддиятни йўқотиш, кишилардаги туғма шахсиятпарастликни юмшатиш, инсонни “фуқаро”га айлантириш мумкин. Гўзаллик, уйғунлик, дид, санъат моҳияти, ижтимоий вазифаси бадиий конфликт, ҳарактер умумий мақсадга бўйсундирилди.

*Маърифатпарварлик* назариясига Англияда Хогарт “Гўзаллик таҳлили”, Берк “Гўзаллик ва улғуворликнинг юзага келиши”, Юм “Дид нормалари”, Францияда Дидро “Гўзаллик ҳақида”, Вольтер “Дид олами”, Монтескье “Санъат ва табиат” асарларида дид ҳақида тажриба, Германияда Лессин “Лаокоон ёхуд рассомлик ва поэзия чегаралари”, Гердер “Немис адабиётидан намуналар”, Россияда М. В. Ломоносов, А. Н. Радишев (1711) поэтик ва санъатнинг воқеъликка эстетик муносабати муаммосини тўғри ҳал қилдилар.

Пушкин рус маърифатпарварлиги эстетикасида алоҳида саҳифани ташкил этади. Унинг эстетик тафаккурида санъаткор ва жамиятнинг ўзаро муносабати масаласи ечиб берилади.

Пушкиншунос олимлар фикрича, у жаҳон эстетикасида биринчилардан бўлиб *реализмни* ўз ижодида назарий жиҳатдан англаб етди, амалий тасдиқлади. Пушкин *халқчиллик* ёзувчининг фазилати деб ҳисоблади. “Паст” табақа деб камситилиш ғояларига зарба берди.

Буюк Француз ревалюцияси (Напалеон) кейинги вазият буржуа жамияти шаклланишидаги антик замон руҳини суриб чиқариб, санъатга романтизм кайфиятини олиб кирди. Фалсафа соҳасидаги биринчилик Франциядан Германияга ўтди. Кант, Фихте, Шеллинг, Гегел, Фейербах каби файласуфлар, немис мумтоз даври бошланди.

Немис мумтоз эстетикаси бош ютуғи фалсафий-диалектик метод ҳисобланади. Асосчиси Кант (1724—1804). Эстетика соҳасида асосий асари “Муҳокама қобилиятини танқид”. Асарда олим эстетик принциплари тизимини белгилашда эстетикавийлик соҳасини ахлоқийликдан

эмас, балки билиш, практик фаолиятдан ажратиб олиб талқин қилади.

Кант санъатни тушунишда абстракт ёндашди. Гегел эса уни бутун ижтимоий-тарихий жараён билан, инсон мафкуравий фаолияти билан боғлаб тушунтирди. Буларнинг назариясидаги диалектик усул билан метафизик тизим ўртасидаги зиддиятлар санъат назарияси ва тарихини яратишда тўсқинлик қилган эди.

Материалистик эстетикани яратишда рус демократлари (Белинский, Герцен, Чернишевский, Добролюбов) катта хизмат қилдилар.

#### АДАБИЁТЛАР

*М. Абдуллаев, А. Йўлдошев.* Эстетика тарихи.  
*А. С. Пушкин.* Танланган асарлар. 10-том. 1966. 90-бет.  
*Гёте.* “Фауст”. Э. Воҳидов таржимаси.

### ТЎРТИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: ЎРТА АСР ЭСТЕТИКАСИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДОНИШМАНДЛАРИ ЭСТЕТИК ТАСАВВУРЛАРИ ТАЛҚИНИ.

2 соат семинар машғулот.

#### *Мавзу режаси:*

1. Дастлабки эстетик назариялар.
2. Ахлоқий эстетика ва унинг асослари.
3. Эстетик фикр ривожда тасаввуф.
4. Уйғониш даври маънавий-эстетик тамойиллари (XIV—XVI).

#### ТЕЗИС-КОНСПЕКТ

1. Назарий эстетиканинг босқичлари: Қадимги шарқ. Эрамиздан олдинги VI-аср Грецияда бошланиб,
  - А) антик замон эстетикаси;
  - Б) ўрта асрлар эстетикаси;
  - В) уйғониш даври эстетикаси;

- Г) XVII—XVIII аср 1-ярмида эстетик фикр;
- Д) классицизм эстетикаси;
- Е) марифатпарварлик ... - каби даврларни ташкил этади.

Мисрликлар бошқа халқларга нисбатан анча олдинроқ, ердаги ҳаёт гўзаллигини чуқур фаҳмлаганлар. Мисрда анъанавий мифология равнақ топган. Нефер (нафосат) тушунчаси худоларга хос доимий сифат бўлган. Эзгулик худолар гўзаллиги орқали ифодаланган.

Ҳиндистон маданияти э. а. (VIII—VI аср) вужудга келган. Уйғониш одамларда диний-фалсафий қарашлари орқали баён этилган.

Хитой эстетик тасавури э. а. (VI—III аср). Назарий фикри мифларга таянади. Фалсафа шаклланади. Лаоцзи ва Конфуций мактаби ижтимоий идеал билан шуғулланди. Бу 2 таълимот олам ва инсон тўғрисидаги тушунчаларни ёритиб берди.

Бинобарин, қадимги Ҳинд ва Эрон фалсафасининг грек фалсафий фикрига ижобий таъсирини унутмаслик керак.

Марказий Осиёнинг илк эстетик тасавурлари халқ томонидан яратилган ҳайкаллар, расмлар, сахна асари, мусиқа ва ранг-баранг предметларнинг мавжудлиги орқали аниқланади. Ҳар қандай яратилган буюм ёки ҳодисада ўша замон кишисининг дунёқараши, кайфияти, эстетик фалсафий тасавури мужассамлашади.

Қадимги туронликлар табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириб оғзаки ижодга — мифларга ва тасвирий санъат асарларига ҳам кўчирганлар. Шунинг учун тасвирий санъатда сув, ер ва ҳосил худоси. Анахита тимсоли кенг ўрин олган, диний театрлаштирилган намоёишлар ҳам юзага келган. Бу ҳақда бизга қадимий “Авесто” етарли маълумот беради.

Қадимги турк мифологияси, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари (VI—VII аср) аجدодларимиз тасавурларининг ривожланишига йўл очиб берган. Булар нафақат эстетик қиймат, балки туркий халқлар ўзлигини англаш даражасини ифодалайди. Чунки, Култегин ва Билка Ҳоқон битиктошлари орасида бошсиз ҳайкалча (балбаллар) ҳам

топилган. Бу эса уларнинг оламга эстетик муносабатларининг моддий намунасиридир.

Марказий Осиё халқлари эстетик тафаккури тарихида IX—XV асрлар алоҳида босқични ташкил этади. Ҳамма жойда бўлганидек феодал тизими шаклланиши жараёнида тасаввуфнинг эстетик тамойиллари ва тушунчалари аллақачон вужудга келган бўлсада, фалсафий назария сифатида ўрганилмай четда қолди. Бу давр фалсафий-эстетик йўналишига оид далил ва қарашлар сўфийларнинг рисола ва маноқиблари орқали етиб келди. Тасаввуфнинг энг олий принципи — ахлоқийликдир. Зеро, Марказий Осиё ахлоқий эстетикаси ва унинг асосини тасаввуф ташкил этади.

Уйғониш даври маънавий ҳаётида энг марказий масала инсондир. Шу даврдаги ҳур фикрлилиқ марказида инсонни “асослаш”, унинг маънавий эркинлиги ва ҳуқуқий даҳсизлигини таъминлашга интилиш ётади.

Марказий Осиё Уйғониш даври 3 босқичда ўрганилади.

Илк босқич: IX—XII асрлар.

Иккинчи босқич: XIV—XV аср.

Учинчи босқич: XX аср бошлари ва охири.

Марказий Осиёда дастлабки эстетик назарияларнинг пайдо бўлиш омиллари.

I. Марказий Осиё халқларининг ижтимоий онги, эстетик тафаккури тарихини ўрганишда ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, қозоқ ва бошқа халқлар тарихий тақдири, этник муштараклиги, социал турмуш, маданият ва санъат, анъаналарини ташкил этишда умумий томонлари қарор топганлигини унутмаслик зарур. Марказий Осиё маданий мероси, фалсафий, ахлоқий, эстетик ва бадиий қарашларидаги тенденция ва назарияларни ёлғиз бир халққа тегишли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Марказий Осиёда ривож топган эстетик бадиий назариялар тизимида, бадиий эстетик амалиёт жараёнида санъатнинг ҳаққонийлиги, унинг ижтимоий вазифаси, тарбиявий хусусиятлари, халқ турмуши билан алоқадорлиги, инсонпарварлик принциплари марказий ўрин тутади.

Дастлабки эстетик назарияларнинг пайдо бўлиши дастлабки дарсларимизда айтиб ўтилганидек қадимги Мисрда вужудга келиб, фалакиёт (зодиак) 12 қуёш белгиларини яратдилар. Календарни туздилар, математика, қурилиш инженерлиги, тиббиёт, тарих, география соҳасидаги ютуқлари ва афсона (мифлари), эртақ, панд-насихатлари, гимн, фалсафий суҳбатлар, муҳаббат лирикаси каби эстетик соҳалар билан боғлиқ бўлиб, улар кейинги давр маънавий маданият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатди.

II. Жумладан, Ҳинд маданияти эстетик фикрлари э. а. VIII—VI асрларда пайдо бўлиб, *Веда* билимлари *упанишадаларда* ўз ифодасини топди. “Упанишадалар илоҳий гўзалликка ҳақиқат орқали етиш”га даъват этади.<sup>1</sup>

Эрамиздан аввалги I-минг йилликда вужудга келган “Маҳобхорат” — жангнома асари қадимги Ҳинд эстетик — ахлоқий тасаввурлари ҳақида маълумот беради.

Хитой дастлабки эстетик тасаввурлари эрамиздан олдинги VI—III асрларда вужудга келган. Табиат ва жамият ҳодисаларини фалсафий фаҳмлаш негизида эстетик назариянинг асосий қонунлари, тушунчалари қарор топган. Қадимги Хитой назарий фикри мифларга таянади.

Хитойда даосизм ва конфуцийлик йўналиши машҳурдир. Бу йўналишлар инсоннинг ижтимоий идеалини топшиш масаласи билан шуғулланади. «Ҳар икки оқим ўзаро кураш олиб боради ва айнаи вақтда бир-бирини бойитади».

III. а) Дастлабки эстетик назарияларнинг пайдо бўлиши Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг антик дунё маданияти қаторида Турон замин маънавиятининг ҳам вужудга келиши билан боғлиқдир.

Турон — Хуросон, Мовароуннаҳр худуди ижтимоий-фалсафий ва эстетик фикрлари тараққиёти бу ерда маскан топган (VI—VII аср). Ислом дини эътиқоди асослари билан боғланади. Марказий Осиёдаги Уйғониш даври Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Ибн Сино, Форобий,

---

<sup>1</sup> Ж. Неру. Открытие Индии. Кн. 1. М., Политиздат, 1989 год.

Югнакий, Кошғарий каби зукко инсонларни дунёга келтирди. XIV—XVI асрлар эстетик фикр ва тасаввурлар ривожидан даври бўлиб, Беҳзод, Воиз Кошифий, Навоий, Бобур, Жомий, Рабғузийлар жаҳон эстетик хазинасида ўзига хос мактаб яратдилар.

Маънавий баркамолликнинг илк идизлари (VI—VII асрлар). Араблар истилосидан кейин Марказий Осиёда Ислом дини асосларининг кенг ёйилиши билан боғланади. Ахлоқий, руҳий — эстетик комилликнинг метин пойдевори бутун мусулмон оламида Исломнинг эътироф этилиши, охириги ва пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг вужудга келишлари билан кўкартирилди.

Сўфийлик фалсафаси тасаввуф таълимоти асослари исломдан аввалги диний бешиклардан бошланган бўлсада, VIII асрдан сўнг ўзининг ривожланиш нуқтасини ислом дини негизидан мустақамлади.

Тасаввуф ахлоқий эстетикаси тамойилларининг Марказий Осиёдаги туб уйғонишга таъсири ҳақида фикр юришидан олдин шариат илми ва бу илмнинг Ислом қадими етган барча ҳудудлардаги мавқеи, мазҳаблари ҳақида Аллоҳнинг бандаларига ўз расулу орқали юборган фарзлари ҳақида, пайғамбарнинг эса ўз ҳаёти даврида қилган амаллари, суннати ҳақида ва бу ҳақдаги илм жойлашган манбалар тўғрисида маълумот бериш тасаввуф ҳақида, унинг чексиз фойдалари ҳусусида маълумот олишга йўл очиб беради.

Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий яратган ислом дини, қонуни ва йўналишлари кўрсатиб берилган бир қанча китоблар шу давр ҳақида катта манба бўлиб хизмат қилади. Исо ат-Термизий ўзининг “Аш-шамоилю ан-Набавия” асарида Аллоҳнинг баркамол, комил инсонлари — пайғамбарлар ва набийлар ва уларнинг ҳам пешқадами Муҳаммад Алайҳиссалом ҳақида маълумотлар беради. Унинг инсонга хос бўлган барча гўзал фазилатлар эгаси эканлиги, унинг, фаолияти, фикрлаши, ахлоқи, барча хатти-ҳаракатларининг мукамал эканлиги ҳақида хабар берса, Имом ал-Бухорийнинг “Соҳихи Бухорий” асари пайғамбарнинг оғзидан чиққан ҳар сўз, жумла маърифат нури билан ифодаланганлигини, унинг сўзлари Аллоҳ-

нинг сўзи “Ҳадис” эканлигини исботлаб беради. Бу нарсалар эса маънавий — эстетик тафаккурнинг маҳсули сифатида ардоқланади.

б) Маърифатнинг исломий кўринишлари қадимий Хуросон ва Мовароуннаҳрда (X-асрдан бошлаб) жавонмардлик ёки футувватчилик ҳаракатларини вужудга келтирди. Жавонмардлар — саф биродарлар муайян қоида-талабларга риоя этар, маънавий жисмоний етукликка интилар, қаерда, нима иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олижаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар. Улар наздида дунё бойлиги эмас, инсон қадри устун турган, олтин-кумушни жавонмардлар назар-писанд қилмаганлар, балки уни маънавий тараққиёт учун бир восита деб билганлар.

Араб сайёҳи Ибн Батута (XIII-аср) “Сафарнома” китобида: “Мен дунёни кезиб ҳам, бундай одамлар (жавонмардлар) дан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим”, дейди.

Жавонмардлар оддий ҳунармандлар, сипоҳийлар, халқ театри вакиллари, паҳлавонлар, қизиқчилар ва бошқа тоифа кишиларидан ташкил топган.

Бу мавзуни дарсни мухтасар қилиш мақсадида ўқувчиларга Ҳусайн Вайиз Кошифийнинг (XV-аср) “Футувватномаи султония” китобини ўқиш учун ҳавола этилади.

Уйғониш даври. Архитектура, санъат асарлари пайдо бўлишининг шарт-шароитлари тўғрисида маъруза қилиб бериш имконияти жуда торлигини эътиборга олиб, бу мавзуни ва XIV-XVI аср эстетик фикр ривожини мавзуси тўғрисида ўқувчиларга семинар машғулоти ўтиш учун режалаштирилди.

#### АДАБИЁТЛАР

А. Абдуллаев, А. Йўлдошев. “Эстетика тарихи” 1996 йил, 86-бет.

Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний”. Т. 1994 йил, 3—4 бет.

Дж. Неру. Открытие Индии. М., 1989.

Ҳинд илоҳий-панднома китоби. Бҳактивиданта букт раст. 1995 йил.

*Ат-Термизий.* “Али шамоили ан-Набавия”. 1996 йил.  
Тошкент.

## **БЕШИНЧИ ДАРС**

**МАВЗУ: ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ҲАҚИДА ИЛК  
ТУШУНЧА. МУТАСАВВУФ ИЖОДКОРЛАР ҲАҚИДА  
МАЪЛУМОТ. ТАСАВВУФ ВА ЭСТЕТИКА.**

2 соат маъруза-суҳбат.

***Мавзу режаси:***

- 1. Тасаввуф моҳияти. Сўфийликнинг тарихий илдизлари.**
- 2. Тариқат — солиқнинг йўли.**

Савол жавоб дарси. Саволларни ўқувчилар дафтарларига ёзиб оладилар. Жавобларни ҳам.

1. Тасаввуф нима?

Тасаввуф — мусулмон оламида кенг тарқалган бутун дунёда машҳур бўлган ислом динига асосланувчи буюк таълимот. Тасаввуф орқали инсоният Ислом динининг ички ва ташқи гўзаллигини, унинг буюк инсонпарварлик моҳиятини англаб етди.

Ер юзида яна ҳинд фалсафаси, хитой таълимотлари (даосизм ва конфуций таълимоти), юнон фалсафаси, Кант, Гегель, Маркс дунёқарашлари ҳам бор. Лекин тасаввуф уларга нисбатан мукаммал ва машҳур бўлиб, бу таълимот ислом дини асослари ва моҳияти билан боғлиқ мақсадларни ўз олдига қўйгандир.

2. Тасаввуф таълимотининг мақсади нима?

Тасаввуфнинг мақсади инсонни руҳий, маънавий жиҳатдан поклаш яъни комил инсонни тарбиялашдир.

3. Кимни комил инсон дейиш мумкин?

Қалб покчилигига эришган, юксак маънавиятли, ақлан ва жисмонан баркамол шахс комил инсондир. Аксарият адабиётларда комил инсон руҳий покланган инсон тушунчаси билан тенглаштирилади.

4. Қандай қилиб руҳни поклаш мумкин?

Унинг йўли битта у ҳам бўлса Нафсни енгишдир.

## 5. Нафс нима?

Нафс деганда емоқ, ичмоқ, киймоқликдан ташқари яна жоҳиллик, илмсизлик, манманлик, кибр-ҳаво, зулм, дунёпарастлик, ўғрилик, танбаллик, таъма, кўролмаслик, бахиллик, мансабпарастлик, шаҳват, кўнгилторлик, ғазаб, хасислик, умуман инсон руҳини, қалбини булғайдиган, уни Аллоҳдан узоқлаштирадиган барча иллатлар йиғиндиси тушунилади.

Бу сўзларни ёздиргач, Куръоннинг бир қатор оятларида очиқ ёки ишора билан нафсни жиловлаш, энгиш лозимлиги мазмунида ҳукмлар борлигини айтиб, яна ҳадислардан ҳам мисол келтираман. Масалан, Ҳадис:

Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳазрат Алига айтган экан:

“Ё, Али, валоят (авлиёлик) мақомига етишган зотлар кўп-кўп ибодат қилганларидан эмас, ўз нафсларини энгганликларидан бундай улуғ даражага эришганлар”.

Нафснинг кўринишлари, хилма-хил қирралари беҳисоб. Нимаики ёмонлик, иллат бўлса, у нафснинг бир кўриниши, бир қирраси ҳисобланади. У инсоннинг жуда қудратли, хавfli душмани ҳисобланади. Шунинг учун Навоий “Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо”, деб ёзади. Яъни оламдаги энг шижоатли, қудратли инсон ўз нафсини энгган одамдир. Нафсни энгиш жуда қийин. “Қиссаси Рабғузий” да бир нафснинг ишини етмиш шайтон қила олмайди дейилган.

## 6. Нафс қандай энгиш мумкин?

Унинг йўли битта — у ҳам бўлса Ишқ.

## 7. Ишқ нима?

Ишқ деганда севги, меҳр, муҳаббат туйғуларидан ташқари ирода, сабот, илм, ибодат, хокисорлик, сабр, қаноат, адолат, саҳийлик, ҳалимлик, мардлик, меҳнатсеварлик, ғайрат, камтарлик, ҳаё, покизалик, ширинсўзлик, шафқат, умуман инсоннинг қалбини, руҳини поклашга хизмат қиладиган, уни Аллоҳга яқинлаштирадиган барча эзгуликлар, покликлар йиғиндиси тушунилади.

Нимаики яхшилик дунёда бор экан, у Ишқнинг бир кўринишидир. Шунинг учун бирламчи мақсади инсон қалбини поклаш бўлган адабиётнинг етакчи мавзуси ҳам Ишқий мавзудир. Демак, тасаввуфда икки бир-

бирига қарама-қарши катта тушунчалар мавжуд. Нафс ва ишқ...

Бу икки нарса инсоннинг ўзида, ички оламида доимо курашда. Агар инсон ўз нафсига тобе бўлиб, эзгуликдан узоқлашса, қалби, руҳи ифлосланади, ўзи эса тубанлашади. Ишқ билан, эзгулик билан иш кўрса имони камол топади.

Кимдир билибми, билмайми сизнинг ғазабингизни келтирди, шунда ғазабга ғазаб билан жавоб бермай, сабр қилдингиз, демак, сиз ишқ билан иш кўрдигиз. Бунда инсоннинг маънавияти юксалади. Маънавият юксаклиги қалб, руҳ поклиги билан ўлчанади. Кўп ҳолларда қалб, кўнгил, руҳ, жон сўзлари бир маънода қўлланади. Баъзилар “Менинг кўнглим тоза, менинг қалбим пок” деб даъво қилади. Балки шундайдир. Лекин бундай давонинг доимо қилиниши нокамтарлик ҳисобланади. Кўнгил тозаллиги, қалб поклиги инсон ҳаётининг энг нозик пайтларда ғазаб келганда, кулфат ва фақирлик ҳолатларида билинади. Аллоҳ ризолигини ўйлаб иш кўрган одамнинггина кўнгли покизадир.

Ана шундай покликка эришган инсон ўзининг ҳақиқий ўзлигини англаб етади.

#### 8. Ўзлик нима?

Бу мураккаб саволга энг фикрли ўқувчи ҳам жавоб айтишга қийналади.

Тасаввуф таълимоти инсонни худди шу доирадек яхлит бир тизим (система), бир бутун борлиқ деб тушунтиради. Ана шу яхлитликнинг ичида — инсонда икки ўзлик бор. Кишилар аксарият ҳолларда ўз жисмларини, баданларини “менинг ўзим”, ўзлик деб тушунадилар. Бу хато, албатта. Жисмоний ва руҳий ўзликларнинг бирикувидан инсоннинг бу дунёдаги умри кечади. Жисмоний ўзлик тупроқдан яралган ва у вақтинчалик, ўткинчидир. Руҳий ўзлик Аллоҳ томонидан илоҳий маконда яратилган ҳамда бу дунёга имтиҳон ва покланиш учун юборилиб, жисм ичига қафас қилинган. У нафс орқали имтиҳон қилинади. Ишқ орқали покланади.

Покланмаган руҳ илоҳий маконга кўтарила олмайди. Покланишга эришган инсон айна пайтда юксак

ахлоқ, бетимсол одоб соҳибига айланади. Шунинг учун мутасаввуфлардан “Тасаввуф нима?” деб сўрасангиз “Тасаввуф — одоб”, “Тасаввуф — ахлоқ” деб жавоб беришган.

Одоб — жамиятда шаклланган ва жамият аъзолари риоя қилиши керак бўлган ахлоқий меъёрлар йиғиндиси.

9. Тасаввуфдаги одоб кимга нисбатан деб ўйлайсиз?

Одатда одамлар доимо бир-бирига одоб тутадилар. Лекин нима учун ҳамма ҳам Аллоҳга нисбатан тескари-си. Аллоҳ қил деган ҳукми қилмайди, қилма деганини қилаверади?

Бунинг сабаби, улар Аллоҳни ҳис қилмайдилар. Аллоҳнинг исми ва сифатларини, унинг зотини билмайдилар.

\* \* \*

Тасаввуф таълимоти инсонга Аллоҳнинг ризолик йўлини — покланиш йўлини кўрсатувчи таълимотдир. Бу йўл тасаввуфда *тариқат* дейилади.

#### ҚИТЪА

*Камол эт касбким, олам уйидин,  
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондан нотамом ўтмак биайних  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Таносуб санъати қўлланган:

1-мисрада: “олам уйи”, 3-мисрада: “жаҳон”, 4-мисрада: “ҳаммом” мазмунан бир-бирига яқин тушунчани ифодаламоқда. Яъни Олам бўлмиш бу жаҳон бир ҳаммом ка-бидирки, инсонлар ҳаёти унда покланиш учун берилган муддатдир.

Қитъадаги қофиядош сўзлар қайсилар?

Ғамнок, нопок — қофиядош сўзлардир. Улар қофиядош бўлиши билан бирга шеърнинг асосий мазмунини ифодаловчи ўзак сўзлардир. Яъни кимки оламдан нопок ўтаркан, у дунёдан чиқишда ғамнок бўлади.

Мазкур қитъа таҳлилидаги мақсадлар:

Тасаввуф таълимоти ҳақида берилган маълумотларни мустақкамлаш; адабиётга боғлаш; ўқувчига ахлоқий — маъ-

навий тарбия бериш; сўфиёна шеърларни таҳлил қилиш малакасини шакллантириш; бадий санъатлар ҳақидаги билимларни такрорлаш; қофия ҳақидаги тушунчани муштаҳкамлаш; ўқувчиларни мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

Агар ўқувчилар “Тасаввуф” сўзининг маъносини сўрашса, арабча “сўф” сўзидан олинганлиги айтилади. Бу гуруҳ қийин ишларида ҳам ўз дунёқарашларини ифода этган.

Демак, тасаввуф мол-дунёга, мансабпарастлик, ҳаюҳавас, кибру-ҳавога, бир сўз билан айтганда, нафсга қарши исён бўлиб вужудга келган таълимот.

Тариқатлар тараққий қилгач, сўфий сўзи маълум бир тариқатга кириб, бирон пирга қўл берган мурид маъносида қўлланган.

Сўфий сўзининг синоними сифатида солиқ сўзи ҳам ишлатилади.

Солиқ арабча — йўлчи деган маънони англатади.

#### АДАБИЁТЛАР

*Аҳмад Яссавий.* “Ҳикматлар”. Т., 1991 йил. 5—40 бетлар.

Усмон Турар. Тасаввуф илми тарихидан. “Қалб кўзи”. № 47, 1998 йил, декабр.

Тафаккур журнали. № 1, 1999 йил. Тасаввуф луғати. 122— 126-б.

### ОЛТИНЧИ ДАРС

#### **МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ РИВОЖИ. ФОРОБИЙ.**

2 соат маъруза.

#### ***Мавзу режаси:***

1. Марказий Осие мутафаккирлари эстетик қарашларининг ғоявий асослари. Фаробий ҳақида.
2. Тасаввуф Фаридиддин Аттор.

Марказий Осиё мутафаккирлари эстетик қарашлари феодализм ва ислом дини шароитида таркиб топди. Илк Ўрта аср буюк мутафаккирларидан бири ўз даврининг ёрқин юлдузи Абу Наср Фаробий эди. Урта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, “ҳаётбахш ҳурфикрлик” шаклланиши ва умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илғор ижтимоий фалсафий тафаккур тараққиёти унинг номи билан боғлиқдир. Бу машҳур олим, файласуф ва гуманист инсон феодализм ва ислом дини шароитида ақл ва илм тантанаси учун, маънавий озодлик учун, инсон такомилли ва адолатли жамият учун қурашган.

Абу Наср Фаробий 873 йили Фароб шаҳрида таваллуд топган. Бухоро, Самарқанд ва Боғдода илм олган. Ҳарбий барча билимларни ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ китоб-рисолалар яратган. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги зиддиятлар, илғор ва консерватив ғояларга эга бўлган икки хил мафқурани келтириб чиқарди.

БУЛАР: 1) Ал-Киндий, ар-Розий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний.

2) Ашаърий, Фаззолий, Бастомий ва бошқалар акс эттирган ижтимоий, ғоявий — фалсафий оқимлар эди.

Фаробий қадимги юнон олимларининг асарлари таржимони, эллин донишмандлигининг чуқур билимдони эди. Фаробийнинг “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш лозим” деган рисоласини ўқиган киши унинг Платон, Аристотел, Эпикур, Зенон, Афрозидий, Евклид, Птоломей, Порфирий асарларига шарҳлар ёзгани; турли қадимги фалсафий мактаблар — эпикурчи, пифагорчилар мактабларини яхши билганлигини билиб олади, албатта. \*

Айниқса, унинг яқиндагина топилган, араб тилида ёзилган “Китоб-аш-шеър” (Шеър китоби) китобида юнон адабиётидаги шеър турлари ва унинг жанрларига ёзган изоҳ ва таҳлиллари ўзбек адабий-бадиий адабиёти хазинасининг эстетик-фалсафий йўналишларини бойитган.

Фаробийнинг “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида”, “Поэтика” (Аристотел) асарининг таржимаси ҳақидаги асарлари юзасидан ҳам юқоридаги фикрларни билдириш мумкин.

Илк Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқда халифаликкача ва ундан кейин шаклланган илгор гоёлар ва ҳур фикрлик Европа Уйғониш даврини гоёвий жиҳатдан тайёрлашда ва XVIII аср материализмини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Бу давр Уйғониш даврини эслатибгина қолмасдан, Италиян Уйғониш даври каби ўзининг тафаккур титанларини, қомусий олимларини етиштириб чиқарди. Илм, фан, табиат ва жамиятни ўрганишга қизиқишнинг кучайиши билан бир қаторда диний маърифат ва мусулмон руҳонийлари таъсири кучайди. Марказий Осиё мутафаккирлари эстетик қарашларининг гоёвий асослари ҳақида фикр юритганда уни Тасаввуф (суфизм) фалсафасига боғлаб таҳлил этиш зарур. Гўзаллик, фожеавийлик, улугворлик, инсонпарварлик каби эстетик тушунчалар санъатнинг ижтимоий мавқеи, инсоннинг воқеликка ҳиссий-эстетик муносабати каби масалаларни пантеистик дунёқарашни ифодаловчи ваҳдат ул-вужуд таълимоти доирасида қараб чиқиши талаб қилинади. “Ваҳдат ул-вужуд” содда қилиб айтганда, коинотда ёлғиз бир Вужуднинг мавжудлиги, бошқа барча нарса ва борлиқлар шу вужуднинг тажаллисидан иборатлигига ишонч демақдир.

Мадомики, инсон ва табиат оламнинг моҳияти тўғрисидаги масала вужуднинг туб масаласини ташкил этар экан. Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафий-эстетик ва бадиий идрок тизими, мазмун — муаммосини тасаввуфнинг табиатини изоҳламасдан туриб, тўғри тушунтириш мумкин эмас.

“Тасаввуф фалсафий-диний оқим сифатида ниҳоятда ранг-баранг ва мураккаб ҳодисадир”. Унда зардуштийлик, неоплатонизм, буддизм ва христианликнинг муҳим гоёлари ва қарашлари ўзаро қоришиб кетган.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, тасаввуфнинг энг олий принципи — ахлоқийликдир.

Сўфийларнинг дунёқарашида эстетик тасаввурларни уларнинг ахлоқий қарашларидан ажратиб олиш жуда мушкул. Бундан ташқари уларнинг эстетик қарашлари турли-туман рисола ва китобларда тарқалиб кетган. Шу

сабабли сўфийларнинг асарларидан эстетик ғояларни жуда кенг маънода умумлаштирадиган бўлсак, Тасаввуф эстетикаси ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Тасаввуфда барча тушунчалар “Ваҳдат ул-вужуд” категорияси орқали тушунтирилади. Ҳамма нарса — гўзаллик, яхшилик, эзгулик аломатлари асосида — умумийлик “жамоли мутлақ” (кулл)нинг илоҳий ғояси ётади.

Бу назариянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Аллоҳ гўзаллиги ҳақида сўз борганда уни нафосат ижодкори — санъаткорга муқояса қилинади. Агторнинг ёзишича, “бутун борлиқнинг вужуди унинг ҳазратининг сояси. Унинг қудратининг изи — асари, ижоди санъати”. Тасаввуфда маънавий гўзаллик асосий ўринга қўйилади. Бироқ у ижтимоий эстетик мотивлар билан эмас, балки мистик гнесеологик мақсадлар билан тавсифланади.

Тасаввуф этикаси тамойилларига кўра инсон энг аввало маънавий ҳодиса бўлиб, “фаришталар сифатидандур”. Бироқ дунёвий шароитлар таъсирида унинг руҳ билан бевосита алоқасига путур етган. Инсон мушоҳада йўли билан бунга — “ўз мен”ига барҳам бериши, мутлақ гўзаллик билан қўшилишни олий мақсад қилиб олмоғи зарур. Дунёвий ҳаётида ҳамма нарса тубан, пасткаш, нокас, шу сабабли инсоннинг бутун фикри-зикрини маънавийликка, аршга — мутлақ гўзалликка қаратмоқ лозим. Бу йўлда мутасаввуфлар “Ишқ” тушунчасидан кенг фойдаланадилар. Гўзаллик ишқ моҳиятини англаб етишдан иборатдир. Жомий ёзади: “Беадаблар ишқ йўлидан йироқдир, ишқ мазҳаби бошдан оёқ одобдир”, “ишқсиз одам ҳайвон жинси”, дейди.

Аҳмад Яссавий. Тасаввуфда худди гўзаллик тушунчаси каби, комиллик тушунчаси, ранг жилолари, санъат турлари каби тушунчалар ва ғоялар ваҳдат ул-вужуд орқали изоҳланади. Бу дунёқараш гўзаллик, хунуқлик, тубанлик, улуғворлик, нур, ранг, хаёл, истак, бадий-эстетик идрок, лаззат, мусиқа, рақс, шеърият каби дунёвий ҳодисалар тўғрисида ўз таълимотини яратди.

## АДАБИЁТЛАР

*М. Абдуллаев, Ш. Йўлдошев.* Эстетика тарихи. 1996 йил, 94—110 бет.

*Ф. Атторм.* Илоҳийнома. Тошкент, 1994 йил. 7-бет.

*И. Ҳаққулов.* Ўзбек тасаввуф шеърляти. Тошкент, 1995 йил. 18—19 бет.

*З. Ғазолий.* Кимёи саодат. Тошкент. 1994 йил. 20-бет.

*А. Ҳайитметов.* Шарқ Ренессанси ва уйғониш даври. Тошкент, 1969 йил.

*А. Н. Ғоробий.* Фозил одамлар шаҳри. Тошкент. “Мерос” 1993 йил.

## ЕТТИНЧИ ДАРС

### МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН “ИЛҒОР ЭСТЕТИК ҒОЯ НАМОЁНДАЛАРИ. БЕҲБУДИЙ, АВЛОНИЙ ВА БОШҚАЛАР ИЖОДИДАН ҚАЙДЛАР

#### *Мавзу режаси:*

1. Туркистон зиёлилари амалий маърифатчилик фаолятининг илк босқичи. 1873—1916 йиллар. А. Дониш, Абай, Тўхтағул, Фурқат, Муқимий, Сатторхон.

2. Миллий озодлик кайфиятининг кириб келиши.

3. Турк, татар ва озарбайжон ижтимоий-маърифий ғояларининг ўлкага кириб келиши. Жадиличилик эстетик қарашлари. Маърифатчиликнинг учинчи босқичи. И. Гаспирали, М. Беҳбудий, Сўфизода (Наманган), Сиддиқий Ажзий (Самарқанд), Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Қодирий.

“XIX аср иккинчи ярмида Чор Россияси томонидан Туркистоннинг истило этилиши оқибати мадания-эстетик ва бадий жараёнларнинг тубдан ўзгаришига муайян таъсир кўрсатди. Сиёсий ва мустамлакачилик мақсадларини кўлаб кенг миқёсида олиб борилган тадбирлар Туркистон зиёлиларининг маърифатпарварлигини янада фаоллаштирди. Муштарак мақсадларни ифодаляйдиган фалсафий-бадий асарларнинг юзага келишга олиб келди.

Маърифатпарварлик маданияти алоҳида ижтимоий-эстетик тушунча сифатида намоён бўлди.

Маърифатпарварлик ғояларининг Марказий Осиёда тарихан шакланган турлари муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий маҳдудликка маҳкум этилган, бутунлай сиёсий эркинлиги ва мустақиллиги Чор Россияси ихтиёрига ўтказилган халқнинг зўравон ва сиёсий жиҳатдан бирмунча устун бўлган тузумга бўйсунмасдан иложи йўқ эди.

Чор Россияси истилоси давридан бошлаб Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётига Овropa ҳаёт тарзи кириб келди.

Шу муносабат билан Фурқат қуйидагиларни ёзган эди. “...неча мартаба театр номли русия халқи томошасини бориб андаги ўюн — тақлид тартибларни кўрдим. Аларнинг кўрсатган томошаси — ҳунарлар бизнинг масҳарабоздек мазах — кулгу эмас, балки ибрат учун экандир.”

Европача рус-тузем маорифини уларнинг маданий тадбирларини идрок этиш — тан олиш, матбуот саҳифаларида тарғиб қилиш, дипломатик имкониятлар ва у орқали Россия ва жаҳон шаҳарлари сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишиш ва бошқа шу каби ҳодисалар бу давр маърифатчилигининг биринчи даврига хос бўлган асосий хусусиятларни ифодалайди.

Объектив ва субъектив омилларга кўра миллий-озодлик кайфиятининг кириб келиши натижасида кескин ўзгаришлар юз берди. Бунга “...ўтган аср охирида ижтимоий-сиёсий кескинликлар — “вабо” кўзғолони (Тошкент), Дукчи Эшон воқеалари (Андижон)нинг кучли таъсири бўлгани маълум”.

Маърифатпарвар зиёлиларнинг чет элларда бўлиши уларнинг баъзиларида маънавий тушкунлик руҳини олиб келди.

Бинобарин, ўлкамизда юзага келган миллий-озодлик ҳаракатлари (хусусан, 1916 йил) нинг таъсири ўлкамизнинг илғор фарзандлари Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон сингари маданият арбоблари ижодига кучли таъсир кўрсатди.

Халқимизнинг Беҳбудий, Авлоний, Ҳамза каби на-  
мояндалари эса ўз ҳисобларидан янги усул мактаб-  
лари, театр, кутубхоналар очдилар, газета-журналлар чоп  
этдилар. Ўзлари пьеса ва асарлар ёзиб, ўзлари актёр-  
лик, ўқитувчилик, ноширлик қилдилар. Барча савй-  
ҳаракатлар билан ўз халқини маърифатли қилишга ин-  
тилдилар.

Давр муҳитидан келиб чиқиб Туркистон илғор эсте-  
тик гоёлари моҳиятига мурожаат қилсақ, шубҳасиз, Фит-  
рат, Абай, Дониш эстетик қарашларининг нечоғли катта  
ўрин тутганини кузатиш мумкин.

“Ақлли одамларнинг аломати, улардаги яхшиликнинг  
ёмонликдан кўпроқ бўлишида”, деб ёзган эди Дониш.

Абай эса эстетик маърифатнинг зид кўринишларига  
тўхталиб, ижтимоий тенгсизлик ва ноқобилликнинг мо-  
ҳиятини ечиб беради.

Абай инсониятнинг беш душмани борлигини санаб,  
улар: гийбатчилик, ёлғончилик, маккорлик, танбаллик,  
исрофгарчилик эканини таъкидлайди, золимлик ва но-  
донликнинг энг ҳунук тушунча сифатида эстетик нуқтаи  
назардан баҳолайди.

Бадийий ижод асосида “Хунуклик” ва “Ёвузлик” ту-  
шунчалари чуқур талқин этилди. Хулқ-атвор эстетика-  
си Беҳбудий ва Авлоний асарларида етакчи тамойилни  
ташқил қилди. Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд  
ахлоқ” асарида яхши хулқлар тизимини кўрсатиб берди.  
(қаралсин: Абдулла Авлоний, “Туркий гулистон ёхуд  
ахлоқ”, Тошкент, 1992 йил. 13-бет). Демак, гўзаллик мав-  
жуд дунёдан ташқарида эмас, балки реал моддий дунё-  
дадур, деган фикр маърифатпарварлик эстетикасининг  
бош мавзусидир. (Санъатнинг вазифаси ҳаёт қандай  
бўлса, уни шундай акс эттириш, одамларга маънавий  
озуқа бериш ва турмуш мазмунини тушунишда, билим-  
ни зарур эканлигини англашда уларга ёрдам беришдан  
иборат.)

Маърифатчиларнинг эътиқодига кўра. Комиллик —  
гўзаллик мезони. Улар тасаввуфий ақидаларга содиқ ҳолда  
маънавийликда ақл ва адабнинг устиворлигига алоҳида  
аҳамият берадилар.

Маърифатпарварларнинг санъат ҳақидаги қарашлари ва бадиий эстетик ижодиёти Ҳамза, Фитрат, Бехбудий, Чўлпон ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Миллий ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган Туркистон халқларининг бой ва серқирра эстетик тафаккури тарихи миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, маънавий равнақ топишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР

*М. Абдуллаев, А. Йўлдошев.* Эстетика тарихи. 1996 йил. «Фарғона» нашриёти. 117—156-бет.

*Ҳ. Болтабоев.* Эрк севар халқнинг эркисизлиги. “Тафаккур” журнали. Тошкент, 1999 йил. 1-сон. 98—103-б.

*Т. Ҳидоятлов.* Умуминсоний қадриятлар. Ўша журналнинг 34—38-бетлари.

*И. Мўминов, М. Хайруллаев.* Фурқатнинг эстетик қарашлари тўғрисида. Тошкент, 1959 йил. 67—76-бетлар.

*А. Дониш.* “Новодурул вақое”. Тошкент, “Фан”. 1964 йил, 388-бет.

## САККИЗИНЧИ ДАРС

### МАВЗУ: АСОСИЙ ЭСТЕТИК ТУШУНЧАЛАР.

#### *Мавзу режаси:*

1. Оламни эстетик ўзлаштиришда объектив ва субъектив томонлар.
2. Эстетика фанининг мақсадга эришиш усуллари, методлари.
3. Умумий қонунлари.
4. Эстетик тушунчаларнинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Оламни эстетик ўзлаштиришнинг ўзаро боғланган икки томони мавжуд.

Объектив-ҳиссий таъсирчанлик, нафосатдорлик.

Субъектив ҳиссий таъсирчанлик.

Санъат — объектив ва субъектив-ҳиссий таъсирчанликнинг диалектик бирлиги.

### **Объектив-ҳиссий таъсирчанлик.**

Реал ҳаётда, табиат ва жамият предмет ҳодисаларини яратишда юзага келадиган эстетик муносабатнинг зарурлиги, қисқача айтганда, эстетик фаолиятнинг тарихий-ижтимоий шартланганлиги.

Инсон оламни эстетик ўзлаштирганда уни фаолиятнинг бошқа турлари билан қўшиб амалга оширади. Эстетика ижтимоий-тарихийлик хусусиятига эга бўлгани учун, киши амалий фаолиятининг ажралмас муҳим қисми сифатида объективликка эгадир.

Объектив ва субъектив ҳиссий таъсирчан воситаларнинг қўшилиши — Санъатнинг бош хусусиятидир.

### **Субъектив-ҳиссий таъсирчанлик.**

Жамиятда шаклланган эстетик онг, эстетик дид, эстетик туйғу, эстетик идеал, эстетик қараш ва назарияларни билдиради.

Эстетик муносабатнинг объекти; тушунчаларда акс этиши — гўзаллик, хунуқлик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик ва кулгулилик.

Эстетик муносабатнинг субъекти — эстетик идрок, эстетик кечинма, эстетик дид, эстетик идеал, эстетик эҳтиёж .

Шуларни ҳисобга олган ҳолда эстетикани воқеликни ҳиссий-эмоционал жиҳатдан ўзлаштириш ва эстетик фаолият қонуनларини ўрганадиган фан деб айтиш лозим. Унинг мавзуси: меҳнат эстетикаси, турмуш эстетикаси, муносабат эстетикаси, ижодкорлик эстетикаси, дам олиш эстетикаси ва санъат. Санъат эстетикаси оламни эстетик ўзлаштиришнинг олий шакллари ва турлари.

Ҳар қандай фан ўз мақсадини амалга ошириш учун муайян усул, методларга таяниб иш кўради.

Субъектив ва объектив методлар.

Психологик ва сациологик методлар.

Эмпирик ва назарий методлар (кундалик билиш).

Мантиқийлик ва тарихийлик методлари.

Фан қонунлари муайян соҳанинг илмий инъикосидан иборат. Эстетика қонунлари категориялар — умумий тусунчалар тизимидан иборатдир.

Қонун нима? Қонун муайян тизимнинг ички зиддиятлари ва маълум зарурий боғланишлари, йўналишларидир.

Санъатнинг ижтимоӣ онг шакли сифатидаги қонунлари санъат тараққиёти иқтисодий ҳаётга боғлиқлиги, нисбатан мустақиллиги, ижтимоӣ шартланганлиги, воқеликка қайта таъсир эта олиш, социал вазифаларининг турли-туманлиги.

Бадий ижод қонунлари: барча асарлар яратилиши, уларнинг яшаб туриши, ижтимоӣ вазифалари, санъат турлари, билимлари.

Бадий жараён қонунлари: жараён ички алоқадорлик ва характери, санъатнинг тарихий ривожланиш диалектикаси, санъатнинг барқарорлиги, қисмларга бўлиниши, бадий маданият тараққиёти, муҳим зарурий алоқалари.

Бадий идрок қонунлари: Бадий идрок жараёни, иждий фаолиги, шахсий маданий-эстетик тажриба, эстетик завқ, илҳом, хаёл, кашф ...

Эстетика фанининг бошқа фанлар билан алоқасини аниқлаш унинг илмий усулини белгилашга, ўзига хослигини аниқлашга ёрдам беради.

*Эстетика ва фалсафа.*

Фалсафий методология эстетик қонуниятларни билишнинг биринчи воситасидир. Эстетиканинг мақсади гўзалликни ўрганиш билан чекланмайди. Балки унинг вазифаси ҳиссий таъсирчанлик, гўзалликнинг энг умумий қонуниятларини очиш, моҳияти, табиати, аҳамияти, қонунларини ўрганишдан иборат. Унинг фалсафий фан экани эстетик онг муаммоси эканида намоён бўлади.

Гўзалликнинг энг умумий қонуниятларини очиш, моҳияти, табиати, шунингдек, табиийлик ва ижтимоӣлик, мазмун ва шакл диалектикаси каби фалсафий категорияларга суянади.

Эстетика фалсафий фанлар умумий тизимидан келиб чиқади. Категориялар билан иш кўради.

### *Эстетика ва санъатшунослик.*

Эстетика предметининг бир соҳаси санъатдир. Бу йўналиш санъатшунослик фанларини ўз ичига олди. Булар: адабиётшунослик, театршунослик, музикашунослик, меъморчилик, тасвирий санъат назарияси ва бошқалар. Санъат бадиий билиш, бадиий инъикоснинг узвий бирлиги сифатида ҳам олиб қаралади. Булар: билиш назарияси асосида қараш, бадиий образ, мазмун, шакл, санъат турлари, хусусияти, бадиийлик муаммолари, санъат тараққиётининг умумий қонуниятлари (халқчиллиги, миллийлиги), санъат, нафосат тарбияси воситаси сифатидаги хусусиятлари.

Демак, эстетика санъат назарияси эканлиги масаласи алоқадорликни белгилайди.

### *Эстетика ва руҳиятшунослик.*

Гўзалликнинг моҳиятини, у бағишлайдиган роҳатни инсон психологик табиатидан келиб чиқиб тўғри тушунтириш мумкин.

Асарнинг бадиий қиммати китобхонни ҳаяжонга солиши, йиғлатиши, кулдириши, ўйлатиши, хуллас, руҳий кечинмасини туғдиришда намоён бўлади. Шу жиҳатдан психологик жиҳатларни ўрганиш зарурияти туғилади.

### *Эстетика ва педагогика.*

Эстетик тарбиянинг стратегиясини эстетика, унинг конкрет соҳада, масалан: меҳнатда, турмушда, спортда, таълим жараёнида амалга оширишнинг тактикасини педагогика ишлаб чиқади.

## АДАБИЁТ

*М. Абдуллаев.* Эстетика тарихи. 1996 йил.

## ТУЎҚИЗИНЧИ ДАРС

### Мавзу: ЭСТЕТИК ОНГ ВА ФАОЛИЯТ.

#### *Мавзу режаси:*

1. Эстетик онг, эстетик идрок, тафаккур ва фаолият фалсафаси — ижтимоий онг шакли.

2. Эстетик онг назариясида ақл масаласи. А. Навоий асарларида 27 ўринда ақл сўзининг ишлатилиши.

3. Оламни эстетик ўзлаштиришнинг икки томони.

4. Руҳият оламидаги гўзаллик. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси — тасаввуф.

I. Исломий илм шундай дейди: “Аввалу ма ҳолақоллоху ақла” — Аллоҳ яратган илк нарса онгдир. Онг — одамнинг фикрлаш қобилияти. Онг - воқеликни, яъни борлиқдаги нарса-ҳодисаларни акс эттиришнинг юксак, фақат одамга хос шакли. Онг кишининг руҳий, руҳоний, сиёсий, фалсафий, диний, бадиий қарашлари мажмуидир.

Онг тил билан боғлиқ. Тилда у ўзининг моддий ифодаларидан бирини топади. Онг тилда моддийлашгач, онг фаолиятининг самараси авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Онг маданий-эстетик буюм ё ҳодисаларда — санъат, адабиёт, меъморчилик ва шу каби соҳаларда мужасамлашади.

Фалсафада ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг деган тушунча мавжуд. Бу тушунчада 2 хил қараш бор. Марксчилар ва Шарқ файласуфлари қарашлари. Ижтимоий онг тарғиботида мафкура асосий рол ўйнайди ва инъикос эттирилади. Масалан: адабиёт ва санъат воқеликни тимсол (образ)лар орқали акс эттиради ва мафкурага хизмат қилади.

XVIII асрда Этика — ирода тўғрисидаги таълимот, Мантиқ — ақл тўғрисидаги таълимот шаклланган бўлиб, Эстетика — ҳиссиёт тўғрисидаги таълимот ҳали мақомга эга эмас эди.

Баумгартен ҳиссиёт тўғрисидаги таълимотни эстетика деб аташ тўғрисидаги фикрни илгари суради. Олим таклиф этган эстетика асосан икки ҳодиса — гўзаллик ва санъатни тушунтиришга йўналтирилган эди. Бинобарин, эстетика ўзининг баҳс мавзуи жиҳатидан жуда кенг ва мураккаб қўламга эга.

Эстетика фани билан яқиндан танишиш, унинг асосларини эгаллаш инсоннинг умумий маданиятини бойи-тади. Бу фан инсон қобилияти ва туйғуларининг сифат кўрсаткичидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, етук инсоннинг дунёқараши таркиб топиши ва ривожиди тарихий онгнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, тарихий онг маънавият, жумладан, эстетика тарихига бўлган фаол муносабатда шаклланади. Чунки бошқа соҳалардаги каби эстетик онг ҳам тарихий шартланганлик моҳиятига асосланади. Кейинги пайтларда “эстетика” атамасини “нафосатшунослик”, “нафосатнома” атамалари билан номлаш таклифлари бўлди. Бизнингча, бу атамалар эстетиканинг соф фалсафий маъносини чуқур ифодалай олмаслигини назарда тутиб, “эстетика” атамасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

II. Эстетика воқеликни ҳиссий-таъсирчанлик, эмоционал жиҳатдан ўзлаштиришнинг табиати, моҳияти, эстетик фаолиятнинг қонуниятлари ҳақидаги фандир.

Оламни эстетик тушунтиришнинг ўзаро боғланган икки томони мавжуд.

Объектив-ҳиссий таъсирчанлик.

Субъектив томони.

III. Таъсирчанликнинг ҳар икки томони ҳам нафосат тарбиясида фалсафий методологияга асосланади.

Эстетиканинг баҳс мавзуи.

Объектив-ҳиссий таъсирчанлик.

Субъектив-ҳиссий таъсирчанлик.

Санъат — объектив ва субъектив - ҳиссий таъсирчанликнинг диалектик бирлиги.

**Эстетик тафаккур тарихида шаклланган методлар.**

Ҳар қандай фан ўз предмети ҳақида фикр юритар экан, ўз мақсадига етишда муайян илмий усулга суяниб иш кўради. Унинг натижасида фан қайта ишланади.

а) Субъектив ва объектив услублар;

б) Психологик ва социологик услублар;

в) Назарий услублар;

г) Мантиқийлик ва тарихийлик услублари.

Эстетика фан сифатида ўзлаштиришнинг алоқа ва муносабатларини акс эттирувчи қонунлар, категориялар ва умумий тушунчалар тизимидан иборатдир.

**Эстетик фаолиятнинг умумий қонунлари:**

а) ижтимоий онг шакли сифатидаги қонунлари;

- б) бадиий ижод қонунлари;
- в) бадиий жараён қонунлари;
- г) бадиий идрок қонунлари.

### Категориялар

Эстетика ва фалсафа.

Эстетика ва санъатшунослик.

Эстетика ва руҳиятшунослик.

Эстетика ва педагогика.

Демак, ҳар қандай фаннинг мантиқий тузилишида назарий мулоҳазаларнинг мағзини ташкил этадиган қонунлар муҳим ўрин тутати. Шунингдек, эстетика фан сифатида реаллик ва уни эстетик жиҳатдан ўзлаштиришнинг муҳим алоқа ва муносабатларини билдирувчи категория — тушунчалар тизимидан иборат.

Руҳият оламидаги гўзалликни англаш ва идрок этишнинг тасаввуф таълимоти орқали тушунтирилиши Ваҳдуд ул-вужуд фалсафаси асосида берилади.

IV. Бу тамойил “Ваҳдат ул-вужуд” категорияси орқали тушунтирилади. “Қамоли ва жамоли мутлақ” — Аллоҳ ва Аллоҳнинг гўзаллигига эришишнинг камданкам одамга насиб этувчи йўллари шариат, тариқат (маърифат) ва ҳақиқатдан иборатлиги. Бу йўналиш Моддий Оламнинг гўзаллиги унинг тажаллисидан бошқа нарса эмас деб тушунтиради. Фаридиддин Атторнинг ёзишича, “бутун борлиқнинг вужуди Унинг ҳазратининг сояси. Унинг қудратининг изи — асари, ижоди, санъати”.

Демакки, Унинг ижодкори (Аллоҳ) — оламнинг гўзаллиги пайдо бўлгунга қадар мавжуддир. Унинг мукамаллиги — реал ҳодисалар мутаносиблик, тартиб, уйғунлик, ранг, ёруғлик, нур, кабиларда—зеро, энг мукамал ижоди инсоннинг комил вужудида ўз ифодасини кўради.

“Тасаввуфда маънавий гўзаллик асосий ўринга қўйилади, бироқ у ижтимоий-эстетик мотивлар билан эмас, балки мистик — гносеологик мақсадлар билан тавсифланади”.

Тасаввуф этикаси мантиғига кўра, инсон энг аввало маънавий ҳодиса бўлиб, “Фаришталар сифатидандур”,

(Ғаззолий. Ҳиммати саодат. Тошкент — “Камалак”. 1994 йил. 20-бет).

Тасаввуф ғносеологияси баркамол инсон омили масаласини гўзаллик, улугворлик, фожеавийлик ва комиллик каби тушунчалар, нур, ранг, мусиқа, шеър ва руҳий ҳол каби воситалар асосида тушунтиради. Тасаввуф заминидан етишган ҳар бир санъаткор — ижодкор ўзи яшаган даврнинг энг мураккаб фалсафий-эстетик, ва ахлоқий муаммоларини нафса қарши кураш воситасида, шунингдек, оламнинг азалий яратувчисига бўлган ишқ воситасида ҳал этишга интиланлар.

#### АДАБИЁТЛАР

Эстетика тарихи. 1996 йил.

История эстетики. 5 т. Т. 1. М., 1962 йил. 86-бет.

*В. Кошифий.* “Футувватномаи султоний”.

*Ф. Амтор.* “Илоҳийнома”.

#### Эслатма.

Эстетик онг назариясида А. Навоий асарларида 27 ўринда ақл сўзининг ишлатилиши тўғрисидаги билимни ўзлаштириш учун 1996 йилда чоп этилган «Ватан туйғуси» китобининг 35-бетини ўқишни тавсия қиламиз.

### ЎНИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: ГЎЗАЛЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛИ КЎРИНИШЛАРИ.

1 соат маъруза.

1 соат амалий топшириқ.

#### *Мавзу режаси:*

1. Гўзаллик олами.
2. Гармония — бу уйғунлик демак.
3. Меъёр — мақсадга мувофиқлик, беўхшовлик — уйғунсизлик.
4. Гўзалликнинг объектив ва субъектив хусусиятлари.

### **Гўзаллик олами.**

Инсоний муносабатларнинг мукамал гўзаллиги мустақил давлатимиз принциплари тантанаси учун курашда қарор топади ва демократия қурувчиси ахлоқи билан мос яшай билишда ифодаланади.

Инсоний муносабатлар гўзаллиги қўполлик, бепарволик, худбинлик, пасткашлик, тошюраклик, субутсизликнинг ҳеч қандай кўринишлари билан муроса қилолмайди. У барча кишилар муомала ва хулқининг юксак маданий бўлишини назарда тутлади. Инсон гўзалликни англагандагина, ҳаётнинг маъносини тушунади.

Бизнинг жамиятимиз ҳар бир кишининг кенг ва ҳар томонлама гўзалликни тушуниши, маълумот олиши, тарбияланиши, жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд бўлиши, ўзининг ижодий истеъдоди ва қобилиятини тўлалигича намоён қила олиши учун барча шароитни яратиб берган. Зеро, бугунги давр талаби ҳар қандай оддий касб эгасидан ҳам қарийб инженерлик даражасидаги тайёргарликни талаб қилади. Бироқ ҳозирги давр кишисига бунинг ўзи етарли бўлмайди. Чунончи, юксак маънавий маданият, оқилона фикрлаш учун ривожланган қобилият, ахлоқий баркамоллик бўлиши муҳим масаладир. Ҳар доим ўз ақли, ҳисси, иродасини кўрсатишда ижобий ва юксак ахлоқли, бир ёки бир неча касб эгаси бўлган маданий юксак, муҳим манфаатлар билан яшашга қобилиятли кишини ҳар томонлама ривожланган киши деймиз.

Гўзаллик баъзан гармония сўзи билан ҳам ифодаланади. Инсоннинг жисмоний, ақлий ва ахлоқий ривожланиш гармонияси қаерда мукамал бўлса, гўзаллик ҳам ўша ерда.

Гармония — бу гўзалликнинг улуғворлиги ва ватанпарварлигидир.

Қисқа қилиб айтганда, инсон меҳнати асосидаги гўзаллик, бадий сўз, бўёқлар жилоси, нақшлар сеҳри, бинолар маҳобати, боғлар таровати ва ҳоказолар. Қадимда кишилар гўзаллик нима эканлигини билмай туриб, гўзаллик мукамаллик эканлигини англаганлар. Инсоннинг

ўзи меҳнат билан гўзал экан, ривожланган гўзаллик ҳисси ҳар бир ишда ва ҳар бир кишига зарур.

Гўзаллик оламига хунуклик олами зид туради, унисига ҳам, бунисига ҳам бўлган муносабатларимизни эстетик муносабат деб атаймиз. Бу туйғуни ҳис қилиш учун қобилият ва ҳайратланиш истеъдодига эга бўлиш керак. Гўзаллик нимаси билан инсонни ҳайратга солади, таажжублантиради? Нима учун гўзалликка дуч келиш инсонга кучли таъсир этади? Ёки бошқача айтганда, баъзи предмет, ҳодисалар инсонда севиш, завқланиш туйғусини, бошқаси эса аксинча, инкор этиш туйғусини уйғотиб, салбий муносабатни қўзғайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам биз ҳис қилган туйғу ЭСТЕТИК ТУЙҒУ бўлади.

а) тартибсизлик, ножўялик, номувофиқлик салбий таассурот туғдиради.

б) тартиблилик, хушбичимлилик, мувофиқлик ижобий таъсир уйғотади.

Қадимги ЮНОНлар тартибсизлик, хунукликни, “ХАОС” сўзи билан, тартиблилик, хушбичимлилик, коинот уйғунлигини — “КОСМОС” сўзи билан белгилаганлар. Улар табиатнинг қандайдир предмет ёки ҳодисасининг биринчи гўзаллик белгиси бутун қисмларнинг уйғунлигида деб билганлар. Уйғунлик — предмет ташқи қиёфасининг ички моҳиятига мувофиқлиги, яхлит қисмлар тартиби, уюшганлигидир.

Гўзалликнинг қонуний принципи — меъёр бўлиб, хунуклик хулқда, овқатланишда, меъёрсизлик, ҳаддан ошиш, ёки бошқа турли муносабатларда салбий жиҳатларнинг юзага чиқиши ёки, аксинча меъёр сақланган жойда ҳаммаша гўзаллик мавжуд бўлади.

Демак, меъёр — бу мақсадга мувофиқлик, уйғунликка хос бўлган реал борлиқнинг барча предмет ва ҳодисалари инсонда гўзаллик туйғусини уйғотади. Аксинча, беўхшовлик, қовушмаганлик ва уйғунсизлик хунуклик тарзида идрок этилади ва ёқимсиз таассурот ҳосил қилади.

Бироқ бу қоида тўғри бўлса ҳам изоҳлаш ва аниқлашга муҳтождир. Масалан: ботқоқлик, илон, қурбақага бўлган муносабатимиз объектив олганда ҳолис, субъектив томон-

дан эса кайфиятимизга боғлиқ ҳолда ё ижобий, ё салбий ёки зиддиятли тарзда намоён бўлади. Бу эса руҳий-психологик тушунча билан боғлиқ нарсадир. У ҳақидаги тушунчаларимиз эса нисбийдир. Масалан: Ботқоқлик — яшил ўрмон ёки тез оқар дарёга нисбатан турғунлик ва ҳалокатлидир.

Биз у ёки бу ҳодисага нисбатан зиддиятли туйғуларда бўламиз, ва бир хил баҳо беришда қийналамиз. Масалан: Йўлбарс, қутурган денгиз.

Гўзаллик туйғуси кишида қувонч ҳиссини уйғотганидай, Хунуклик эса хомушликни пайдо қилиши мумкин. Беғаразлик — гўзалликни ҳис қилишнинг муҳим хусусияти. Гўзаллик инсонга шу тобда фойда келтирадими, йўқми, қатъий назар, у доимо тан олинади.

Эстетик туйғу (кечинма).

Олам уйғунлигини, гўзаллиги ёки хунуклигини бево-сита сезиш, идрок этишдир. Эстетик туйғу — турли ҳолатни шодлик, ҳаяжон, азоб, ғазаб, қайғуни тўғри идрок этилишини, кулги, кўз ёши, ҳаяжонланиш каби ички кечинмаларда ифода этилишни билдиради. Кўпинча бизга бир нарса нима учун “ёқиши” ёки “ёқмаслигини” тушунтира олмаймиз.

*Эстетик дид.* Гўзаллик ёки хунуклик тўғрисида ҳукм чиқариш қобилиятимиздир.

Эстетик дид бир ўринда эстетик баҳолаш ҳамдир. Масалан: кишилар театр томошасидан сўнг саҳнада кўрганлари ҳақида “ёқди”, “ёқмади”, “мароқли” ёки “зериқарли”, деб ҳукм чиқарадилар. Бу эса диднинг соф баҳосидир.

*Эстетик баҳо.* Предмет ёки ҳодисанинг қиймати ва камчилик-нуқсони ҳақида ҳукм чиқара олишдир. Одатда эстетик баҳо эмоционал бўёқли бўлади, чунки ўша нарса сизда уйғотган туйғуни ифодалайсиз.

Масалан: ажойиб инсон, марду майдон, сершовқин шаҳар, нурафшон кўча...

*Эстетик идеал.* Бу мукамаллик тўғрисидаги орзу. Сиёсий идеал, ахлоқий идеал, эстетик идеал, идеал жамият, идеал инсон...

Ҳар гал гўзаллик билан учрашув инсонни соф, ақлли, яхши, жасоратли, одобли, хушхулқ қилиб ўзгартиради ва янгилайди. Шунинг учун ҳам гўзаллик уйғунликдир.

Уйғунлик эса — гўзалликнинг улуғворлиги ва ватан-парварлигидир.

Жамият тарихида қадимги юнонлар учун жисмоний ва маънавий баркамол инсон — инсон гўзаллиги идеали бўлган. Тана ва руҳ уйғунлиги ҳаммадан кўпроқ қадрланган.

Грециядаги Олимпия ўйинлари шунчаки спорт мусобақаси эмас, балки кишилардаги жисмоний ва маънавий фазилатларнинг байрами — кўриги бўлган.

Ўрта асрлар гўзаллик тўғрисидаги тасаввурларда маънавий эстетик қарашлар кўлами кескин ривож топди. Гўзаллик реал ҳаётда илоҳий қувват орқалигина мавжуд эканлиги кашф этилди. Заминаий орзулар ва шодликлардан ҳам буюкроқ ва юсакроқ тушунчалар борлиги ҳам англаб етилди.

Эстетика узоқ вақтларгача “гўзаллик ҳақидаги фан” деб аталди. Бироқ гўзалликнинг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, инсоннинг воқеликка муносабати гўзаллик билангина чегараланиб қолмайди. Яна фожеавийлик, комиллик каби тушунчалар ҳам эстетик тушунчалар бўлиб, уларнинг мазмун-моҳияти ва ўрни ҳам жамият воқелигида гўзаллик каби муҳим ўринга эгадир.

#### АДАБИЁТЛАР

*Н. Толстух.* “Эстетик тарбия” дарслигидан ижодий фойдаланилди.

История эстетики. 5 томлик. Т.1, М., 1962. 90-бет.

### ЎН БИРИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК МАЪНАВИЯТИ, ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ.

1 соат маъруза.

1 соат суҳбат.

#### *Мавзу режаси:*

1. Истиқлол шарофати билан Нафосат илми эстетика-сига эришдик.

## 2. Мустақиллик маънавияти:

- а) Эркин шахс, эркин фикр, эркин ижод.
- б) Миллий кадр, миллий ўзлик, қиёфа.
- в) Мутаассибликдан — мутафаккирликка дадил қадамлар.

### Эстетик маданият масаласи.

I. Истиқлол шарофати билан Нафосат илми — Эстетика фанига эришдик. Миллий мустақилликни таъминлашнинг маънавий-ахлоқий негизлари, шубҳасиз эстетик қадриятларга ҳам суянади. Халқимизнинг бой эстетик мероси ва унинг тарихи билан яқиндан танишиш, унинг ранг-баранг муаммолари доирасига кириб бориш, маънавий сабоқлардан ижтимоий тарбияда амалий фойдаланиш муҳим маърифий, мафкуравий аҳамиятга эгадир. Модомики, ижтимоий тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук кишилар ҳал қилишга даъват этилган экан, бу жараёнда уларнинг техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик, мустақиллик тафаккури билан бирга олиб борилиши керак.

Ана шундай мураккаб ва юксак ижтимоий вазифани ҳал этишнинг зарурий шартларидан бири инсонларда бой эстетик қобилият ва эстетик эҳтиёжни қарор топтириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уларнинг эстетик маданиятини талаблар даражасига кўтариш ҳисобланади. Бинобарин, эстетиканинг миллий мустақиллик мафкурасининг маънавий негизлари — илдиларини мустаҳкамлашда ва томир ёйдиришда катта хизматлари бўлиши шак-шубҳасиздир.

Миллий мустақилликнинг маънавий-ахлоқий ва эстетик негизларини таъминлашда ва мустаҳкамлашда Ватан маданияти, тарихий меросини ҳар томонлама ўзлаштириш, чуқурлаштириш, янада бойитиш, ахлоқий-эстетик фикрлар тарихи билан яқиндан танишишнинг аҳамияти каттадир.

II. Мустақиллик маънавияти эркин шахс, эркин фикр, эркин ижодни шакллантиради.

### Эркин шахс.

Миллий тилига, миллий қадриятига, миллий қиёфаси ва ўзлигига, ўз эътиқодига, гов қўйилмаган келажакка эга бўлган, фаол, маънавий етук, маданиятли, илмли инсон.

Тарихда шундай дамлар исботланганки, илмнинг фақат битта йўналишидангина кетишлик айниқса, диний илмларни эгаллашда, инсонни мутаассибликка олиб келди. Ватандошимиз Валихон тўра Соғуний жаноблари таъқидлаганларидек, Оврупа насронийлари ўз диний эътиқодлари чегарасида туриб инсонни табиат билан боғлиқликда ва ижтимоий шароитларда текширди. Исломи эса Инсон фақат бир йўналишдагина — ахлоқий, маънавий руҳий йўналишдагина эътибор берди. Натижада Оврупа Шарққа нисбатан 500 йил кейин “уйғонган” бўлишига қарамай, табиий ва ижтимоий-иқтисодий фанлар ривожини бўйича илгариллаб кетди. Шарқдаги мутаассиблик ва маҳдудлик иқтисодиёт ва техника ривожига тўсқинлик қилди. Ернинг нариги томонида яна бир куруқлик борлигини 500 йил аввал Беруний башорат қилиб айтган бўлса-да, испаниялик Христофор Колумб Америка қитъасига биринчи қадам қўйди.

Хулоса шуки, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадисида бежиз: «Динда жуда чуқур кетманглар, чуқур кетсанглар, дунёнинг барча яхши, ёмон ишлари фосиқ кишилар қўлига ўтиб кетади», деб бежиз башорат қилмаган эди. Бинобарин, пайғамбар ҳадисидан келиб чиқилса, дунё ва охираи ишини бир меъёрда олиб борилса, дунёни обод қилиш баробарида, инсон уйғунлигига эришиш демакдир ва зеро бу ҳам пайғамбар суннатидир.

III. Эстетика фани билан яқиндан танишиш, унинг асосларини эгаллаш инсоннинг умумий маданиятини бойитади. Бордию, гап мутахассислар тайёрлаш хусусида борадиган бўлса, эстетик маданият ёш истеъдод эгасининг етуклиги ва шахсий фазилятлари тизими, унинг кўламини белгилаб беради, яъни эстетик маданият унинг билими, эътиқоди, фаолияти, хулқи, қобилияти ва туйғуларининг сифат кўрсаткичидир.

Етук инсон дунёқарашининг таркиб топиши ва ривожида тарихий онгнинг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, тарихий онг маънавият, жумладан эстетика тарихига бўлган фаол муносабатда шаклланади.

Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф-диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилятлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади.

#### АДАБИЁТЛАР

*М. Абдуллаев.* Эстетика тарихи.

*Б. Норбоев.* Истиқлол ва истеъдод тарбияси. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1996 йил.

Ватан туйғуси. 1998 йил.

Ҳадис. 1996 йил нашри.

*Файбулла Саломов.* “Толибнома” Тошкент. 1996 йил.

### ЎН ИККИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК МАКОН ВА ЗАМОНДА.

1 соат маъруза.

2 соат амалий машғулот.

#### *Мавзу режаси:*

1. Маънавий баркамоллик ватанга бўлган муҳаббат билан белгиланади.
2. Миллий маданият асоратда қолса ...
3. Ўзбек тилининг макондан замонга етишишида бадий тафаккур дурдоналарининг ўрни ва аҳамияти.

*Ватанни сев, тупроғини ўп,  
Ҳар қаричи муқаддас бизга.  
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп  
Жондан яқин юрагимизга.*

(*Ойбек*)

Ватан нима? Ватан — бу сен туғиладиган, биринчи табассум қиладиган, биринчи қадамни қўядиган, улғая-

диган, камол топадиган, турмушнинг аччиқ-чучуклари-ни тотадиган, омадга эришадиган, бу йўлда машаққатларга дуч келадиган муқаддас макон.

Дарахтнинг нечоғлик гуллаб-яшнаши, ўсиб мева бериши унинг илдизига боғлиқ. Инсон ҳам шундай. У она ерни қанчалик улуғласа, севса, ажойиб мўъжизалар яратди. Ватан туйғусисиз, унинг такрорланмас гўзаллигисиз, гуллари, ўт-ўланларисиз, унинг ўтмиши, келажагисиз инсон яшай олмайди.

Ватан остонадан бошланади! Ватан гўзаллиги ва юксаклигидан шодлигу қувончларинг, бахтинг яралса, Ватан ғами-ташвишлари, йўқотишу фожеаларидан сочдаги оқлар, юздаги ажинлар йўқотишу, фидоиликлар яралгай! Демак, Ватан деганда дилга яқин далаларнигина эмас, норасида болаларни, йўл тополмай ўт ичига кираётган аёлларни, беқадр қилинган қўлёмаларни, қуриётган денгизни ва шулар туфайли дилда ҳосил бўладиган оғриқни ҳам тушуниш лозим. Шу ҳисни қалбида туйган одамгина ватанпарвар бўла олади.

Маданиятни, маънавиятни барбод этиш, миллий тил ва урф-одатлар камолотига йўл бермаслик, итоат эттирилган халқларни жиловда ушлаб туриш, бойликларини истаганча талаш, уларнинг барча куч ва имкониятларидан бекаму кўст фойдаланишнинг энг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини мустамлакачилар яхши билишган.

Маданият зарбага учраб, халқнинг маънавияти барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Ундай жойда омманинг оломонлашуви, сиёсий манкуртлик, бепарволик бошланади. Бундай мамлакат ва халқда охир-оқибатда миллий мансублик, ватанпарварлик, Ватан туйғулари, миллий фахр-ифтихор, миллий қадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шундай давлатни мустамлакачилик кишанларида узоқ вақт ушлаб туриш, халқини итоаткор қулга айлантириш мумкин.

Туркистонга юборилган ҳарбийлар, ҳуқуқшунослар, айғоқчилар, тарихчи, иқтисодчилар ва дин арбоблари орасида йирик шарқшунос олим В. Бартольд ҳам бўлган.

Туркистондаги сиёсий-иқтисодий вазиятни, ўлканинг имконият ва шароитларини чуқур ўрганиб, Санкт-Пе-

тербург Фанлар академияси илмий кенгашида Бартольд шундай дейди:

“Биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олдик. Энди бўлса Туркистон солиди тамом тескари ҳолатга дуч келиб турибмиз...”

Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунлигимизга тан беришди, лекин маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа — ана шуни тан олдиришдир... То шуни тан олишмас экан, биз узил-кесил галаба қозондик, деб айта олмаймиз».

Шундай қилиб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган сиёсат — машғум сиёсат жорий этилди.

Эстетик ҳис ва туйғуларнинг эзгулик ва инсонийликка зид бўлган шакллари, ёвузлик ва ваҳшийликлар содир бўлди, таназулга юз тутдириш маҳв этишнинг мустамлакачилар манфаатига мос келадиган энг ёвуз ва ваҳшиёна йўллардан бири — уни фикрлашдан, мулоҳаза юртишдан тўхтатиш, миллий тили, тарихи, маданияти, миллий қадриятлари ривожланишига йўл бермасликдир. Бунинг учун эса аввало, уни бой ўтмишидан ажратиш, маърифатсиз қолдириш лозим.

Шу тариқа ерли халқ ва унинг фарзандлари юзаки саводхонлик даражасида ушлаб турилди.

Яхшиямки, ҳар бир халқнинг ўз миллий тили мавжуд. Тилни кам сонли элат гаплашар экан деб камситиб бўлмаганидек, кўп сонли элат тили деб ҳам улуғлаб бўлмайди. Лекин дунёда жуда тараққий этган, бой жаҳоний тиллар ҳам йўқ эмас, ўзбек тили ҳам ўз ўрни, нуфузига эга бўлган тилдир.

## ЎН УЧИНЧИ ДАРС

### МАВЗУ: САЪНАТ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ.

1 соат маъруза.

2 соат амалий машғулот.

*Мавзу режаси:*

1. Саънат нима?

2. Инсон ва меҳнат.
3. Инсон ва табиат.
4. Инсон ва турмуш.
5. Санъат — ижтимоий ҳодиса сифатида.

Санъат нима?

√ Санъат-ижтимоий ҳодисадир. Санъат айна пайтда оламни англаш, ҳам ижод, ҳам борлиқни гўзаллик қонунига кўра ўзгартиришидир. Билим аҳамиятига кўра санъат ҳаёт дарслигидир.

Санъат инсон эҳтиёжи асосида юзага келади. Санъат фақат ҳаётнинг акс этиши эмас, балки, у буюк педагог, тарбиячи ва инсоний психологияни яратувчи ҳамдир. Борлиқни тўла ва барча қирралари билан қамраб олиши жиҳатидан санъатга тенглашадиган нарса йўқ.

Инсон ва табиат, инсон ва меҳнат, инсон ва турмуш, инсон ва бошқалар муносабати шахс ички оламининг барча бойликлари БАДИИЙ ТАСВИР ОБЪЕКТИДИР.

Қўпинча, санъат асари ҳаётни тушунтириш аҳамиятига эга бўлади. Санъат — ҳаёт дарслиги ва инсоншунослигидир. Санъат ахлоқ мактаби, эстетика мактабидир. Фақат эстетик жиҳатдан мукамал бўлган санъат асари “инсон қалбини остин-устин қилади”, ҳолати ва ахлоқига таъсир этади. Санъат орқали “ўзгалар” ҳолатини “ўзимизникидай” бошдан кечирамиз.

Санъат киши руҳий оламини шакллантиради. Кишига таъсир этиш орқали ҳаётни қайта ўзгартиради.

Санъат ўзининг ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАСИНИ турли усуллар, воситалар билан бажаради. Булардан бири бадиий образлар.

Санъат сўзининг маъноси инсоннинг ривожланган билим, малака ва маҳоратини англатади.

Санъат санъаткорнинг Пигмалионга ўхшаб жонсиз мрамарга, кул ранг матога оддий насрий сўзга “жон ато қилиш”га қодирлигидан бошланади. Шунинг учун Санъат — бу “ясаш”, “ижод қилиш”, “чизиш”, “тасвирлаш” қобилияти демакдир. Санъат юзага келтирган ўша ижод ёки тасвир такрорланмас бадиий образдан иборатдир. Бадиий образларсиз санъатни тасаввур қилиб бўлмайди.

Бадиий образ — бу борлиқнинг санъатга хос тасвирланиши ва идрок этишнинг алоҳида шаклидир.

Бадиий образ яратиш санъаткордан ижодий фикрлашни, ҳар бир воқеа-ҳодисани юксак эмоционал ҳис-туйғулар жараёнидан ўтказишни, ана шу жараёнда ижодкорнинг “яшаши” ни ва энг олий асос бўлган — илоҳий қобилиятга эга бўлишини талаб қилади. Акс ҳолда, Навоийнинг мўъжизакор сатрлари, Қодирийнинг ҳаққоний насрлари юзага келмаган бўлар эди.

Масалан:

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул юзи гул сарви гуландонимга айт,*

бадиий образнинг умумлаштирувчи ва типиклаштирувчи кучи ҳаёт ҳақиқатини бўрттириб, жиловлаштириб, қайта ишлаб, ҳайратланарли ҳолатга келтириб, яна ўзимизга тақдим этади. Бинобарин, бадиий ижод ўз тасвир мавзусини қайси йўналишда тақдим этиб бериши масаласи ҳам мутлақ эркин ҳал этилади.

Бу йўналишлар: Ребялизм, Романтизм, Натурализм, Формализм ёки бошқалардан иборат бўлиши табиий жараёндир.

Санъат ижтимоий ҳодиса сифатида ўз қудратли имкониятлари ила инсоният маданий тараққиётига хизмат қилади. Инсон санъати ва бадиий тафаккури мевалари фақат бир мамлакатгагина тегишли бўлмай, балки умумжаҳон маданий-маънавий хазинаси бойлиги ҳисобланади. Санъат ва адабиёт соҳасидаги беқиёс ва нодир, мукамал ва тақдорланмас асарлар жаҳон маданият мулки ҳисобланади.

Масалан: Бухоро, Самарқанд, Хива меъморий санъати, ўтмиш амалий-безакли санъат намуналари. Дунёдаги 7 мўъжиза, етук классик асарлар. Пикассо расмлари, Леонардо да Винчи, Рафаэл, Микеланжело асарлари дунё маънавияти хазинасини ташкил этади.

## ЎН ТЎРТИНЧИ ДАРС

### МАВЗУ: САНЪАТНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ.

1 соат маъруза.

1 соат савол-жавоб.

#### *Мавзу режаси:*

1. Санъат — ижтимоий онг шакли бўлиб, оламни билиш воситасидир.

а) Санъат — объектив ва субъектив ҳиссий таъсирчангликнинг диалектик бирлиги.

б) Баумгартен Александр Готлиб назарияси.

2. Санъат — эстетика предметининг бир соҳаси.

3. Санъат тараққиёти — Ренессанс маданияти. Европа марказчилиги моҳияти.

Санъатнинг моҳияти, келиб чиқиши тараққиёти ва ижтимоий роли ижтимоий тизимга алоқадор бўлиб, иқтисодий омил — ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти билан муносабатлари ўртасидаги таъсирга боғлиқдир. Санъат ижтимоий онг шакли бўлиб, оламни билиш воситасидир. Санъатнинг маъноси Эстетика атамасининг маъно моҳиятидан келиб чиқади. Баумгартен Александр Готлиб (1714—1762) — немис идеалист файласуфи, эстетика назарийчиси. Ҳиссий туйғусидаги таълимотни эстетика деб аташ тўғрисидаги фикрни олға сурди (“эстетизис” юнунча — ҳиссий, сезги). Баумгартен тақлиф этган эстетикага асосан икки ҳодиса — гўзаллик ва санъатни тушунтириш киритилган эди. Санъат — объектив ва субъектив ҳиссий таъсирчангликнинг диалектик бирлигидир.

Санъатнинг объективлигига табиат ва жамиятдан ҳоҳлаганча мисол келтириш мумкин. Ибтидоий санъат ҳам табиатга тақлид туфайли вужудга келган. Санъатнинг субъектив идрок этилиши эса объектив воқеликка бўлган сезги ва ҳисларнинг вазифаси бўлиб, инсон қўли, фантазияси билан яратилган асарга нисбатан туйғуларининг ифодаланишидир. Бироқ, эстетика фан бўлиб шакллангунга қадар санъатшунослик фалсафа билан илоҳийшунослик орқали қисман таърифланиб келган.

Энди эса санъат — эстетика фанининг асосий соҳаларидан биридир.

Санъат тараққиёти Ренессанс маданияти замирида вужудга келди. Одатда Ренессанс маданияти тараққиёти 3 босқичда кўрсатилади. Илк уйғониш (Петрарка, Баккачо, Альберти), Етук уйғониш (Леонардо Да Винчи, Микеланжело, Рафаэль, Рабло, Роттердамский), Сўнгги уйғониш (Шекспир, Сервантес). Эстетик ва маънавий

қадриятлар борасида Европамарказчилик ва тарафкашлик юракка қанчалик санчилмасин, Марказий Осиё ҳудудида яшовчи ҳар бир халқ жаҳон маданияти хазинасига ўзига яраша муносиб ҳисса қўшганлигини таъкидлаш зарурдир.

Жуда қадим замонлар билан боғланган Марказий Осиё халқлари эстетик тафаккури жуда ранг-баранг, кўп қирралидир. Афсуски, ана шундай эстетик бой меросимиз атрофлича чуқур тадқиқ этилмаган.

Аввало шунни айтиш лозимки, Марказий Осиё халқларининг асосий тарихий-эстетик манбалари тўлалигича ўрганиб чиқилган эмас. Марказий Осиё халқларининг минг йиллар давомида яратилган маънавий қадриятлари араб имлосида битилганлиги, Шўро тузуми шароитида имлоларнинг неча бор ўзгартирилганлиги чор ёки шўро тузумининг асл қора мақсадларидан бири эди.

Евромарказчиликнинг моҳияти шундаки, у ҳозирги замон цивилизациясини ёлғиз “Ғарб руҳининг” натижаси деб ҳисоблайди. Ижтимоий-фалсафий ва эстетик соҳадаги қарашларда эса фалсафий тафаккур тарихи қадимги Грециядан бошланган ва кейинчалик фақат ўрта аср ва янги замонда янада ривожлантирилган, Шарқ, жумладан, Марказий Осиё халқларига бундай фикрлаш қобилияти ёт, уларга иррационализм, мистика хос, деган ғайри илмий қарашларни илгари суради.

Бундай муносабат негизида Шарқ халқларини ирқий жиҳатдан камситиш ва уларнинг мустақил равишда назарий-фалсафий фикр юритиш қобилиятини ерга уриш эканини англаш қийин эмас. Шунга кўра, йирик буржуа мутафаккирлари томонидан битилган тарихий, фалсафий асарларда Шарқ халқлари фалсафасини тадқиқ этишга умуман ўрин берилмайди.

Эстетика билан бадиий маданият — Санъат ўртасидаги алоқа диалектик характерга эга бўлиб, бу нарса уларнинг ўзаро ривож ва бойишига ижобий таъсир кўрсатади. Бинобарин, ижтимоий амалиёт фикрни уйғотади, ўз навбатида фикр эса унинг ривожига таъсир этади.

✓ Маълумки, санъат турли йўл ва қарашлар билан тадқиқ этилган: Санъатни табиатнинг инъикоси деб (даосизм санъат ер осмонни билиш тарзида, браҳманизм илоҳий кучларнинг тасаввури, Платонда Соянинг сояси, Аристотелда табиатга тақлид деб) билиш — айни вақтда табиат ва жамиятни, коинот, руҳ ва илоҳиётни тушунтиришни тақозо этади. Қадимги аждодларимиз эрамиздан олдинги V—IV асрлардаёқ эстетик фаолият билан шуғулланганлар. Санъатшунос М. Раҳмоновнинг ёзишича, Навоий шаҳри яқинидаги Сармиш тоғларида топилган қояга ишланган расмлар орасида (эрамизгача I минг йилликка дахлдор) бир жуфт раққос тасвири бор. Улар байрамдами, маросимдами шодлик кайфиятини ифода этади. Қандайдир оҳанг таъсирида лирик ёки маиший рақсни бажаради.

#### АДАБИЁТЛАР

*М. Абдуллаев. А. Йулдошев. Эстетика тарихи. Фарғона. 1996 йил.*

*М. Раҳмонов. Узбекский театр. Тошкент, 1981. 27-бет.*

### ЎН БЕШИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: САНЪАТДА МАЗМУН ВА ШАКЛ. САНЪАТ ТУРЛАРИ.

1 соат маъруза.

1 соат амалий машғулот, мавзуну ўзлаштириш.

#### *Мавзу режаси:*

1. Санъатнинг мазмуни — эзгулик, яхшилик, тенглик боқийлик ва ҳоказо.
2. Санъатнинг шакли — табиатнинг ўзгарган ва жозибали ифодаси.
3. Бадий ижод.
4. Санъат турларининг инсон маънавий камолотида фаол иштироки.

Санъатга алоқадор бойликлар маънавий бойликни ташкил этади. Агар санъат бўлмаганда ҳаёт нурсиз, жилосиз, зерикарли ва мантиқсиз бўлиб қолар эди, албатта. Санъатнинг театр, фильм, кўшиқ, бадиий тасвир, кулолчилик, бадиий адабиёт, санъат, меъморчилик ва бошқа бир қанча турларини санаб ўтиш мумкин. Тинч ва тотувлик, маданий ҳамкорлик, маънавий ва иқтисодий ривожланиш, ҳар бир миллатнинг обрў-эътибори шу юртнинг миллий маънавий қадриятлари, спорти ва санъати билан белгиланади. Ривожланган демократик тузумни санъатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Санъат нима? Санъат деганда бадиий ижодни тушунамиз. Бадиий ижод деганда санъатни тушунамиз. Санъатнинг мақсади бадиий образ яратишдир. Санъаткор ўз санъатини қандай матоҳдан яратганига қараб унинг қайси жанрда ишлашини билиб оламиз.

М а с а л а н: Муסיқадан-кўшиқ, хонанда.

Сўздан-ёзувчи, шоир, шеър, роман.

Лойдан-кулолчилик.

Ёғочдан-наққошлик.

Буёқ-расм, рассом ва ҳоказо.

Маълумки, ҳар бир санъат асари ўз жанр хусусиятларига кўра ҳаёт манзарасининг узвий бир қисмини-бўлагини ифодалайди. Инсонда аста-секин ижтимоий зарурат кучайиб, оламни унинг барча бойликлари билан қамраб олиш эҳтиёжи зуруратга айланган. Шу зарурият тўғрисида инсон эстетик ҳис-туйғуси ривожланади. Олам ҳодисаларини ёрқин образи ёки тасвирини муסיқа орқали бир бутун ифодалашга эришди. Бадиий адабиёт орқали бир бутун қамраб олишга муваффақ бўлди. Бинобарин, ҳар бир санъат тури ўз хусусиятлари ва имкониятларига эга бўлиб, олам гўзаллигини ўз кураш ва ўз илоҳий салоҳияти орқали идрок қилади ва кашф этади.

Санъат инсоннинг маънавий камолотида актив иштирок этади, унинг эстетик туйғулари — гўзаллик, дид ҳақидаги тасаввурларининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Бу вазифани бажаришда эса санъатнинг куйидаги турли-туман жанр ва соҳалари муҳим ўрин тутди:

— архитектура-меъморчилик;

- тасвирий санъат;
- декоратив амалий санъат;
- ранг-тасвир;
- графика;
- ҳайкалтарошлик;
- мусиқа;
- бадиий адабиёт;
- театр;
- кино;
- ҳаваскорлик.

Бадиий ижод ҳақида ва санъат турларининг инсон маънавий камолотида тутган ўрни ҳақида бир неча дарсларда айтиб ўтган бўлсак ҳам, “такрорлаш — илмнинг онаси” иборасига амал қилиб фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Бадиий тафаккур, бадиий идрок бадиий ижодни юзага келтиради. Бадиий ижод маҳсули эса санъат асаридир. Ҳар бир халққа тегишли санъат асарининг буюк қиймати шундаки, унда ўша халқ миллий-маънавий белгилари ифодаланган бўлади. Америкалик ёки англиялик сайёҳ бизнинг бозорларимиздан ўзбек пичоғини, дўпписини сотиб олади. Нега шундай? Нега бизнинг халқимиз ҳинд киноларини севиб томоша қилади? Барча халқларнинг санъати ва маданияти ўзаро бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиб боради. Жумладан, санъат орқали бизнинг санъатимизда бизнинг миллий руҳиятимизга ёт, зарарли қарашлар ёки оқибатлар кириб келиши мумкин. Агар халқнинг эстетик диди ва идроки ривожланган, тақомиллашган бўлса, бундай зарарли ҳодисалар унинг маънавий-ижтимоий ҳаётига сингиб кета олмайди ва зарар кўрсатмайди.

## *ЎН ОЛТИНЧИ ДАРС*

### **МАВЗУ: САНЪАТ ТУРЛАРИ. БАДИИЙ ИЖОД ТУРЛАРИ.**

1 соат маъруза.

1 соат амалий машғулот.

***Мавзу режаси:***

- 1. Бадиий ижод — санъат турларидан бири эканлиги.**

- а) Оғзаки адабиёт — эртак, афсона, дoston;
- б) Ёзма адабиёт — назм ва наср.
2. Бадиий адабиётнинг жанр турлари.
3. Театр, кино, телевидение кўрсатувларининг эстетик-маънавий мақсадлари.
4. Бадиий ҳаваскорлик.

Инсон ақл, ҳис-туйғу, нутқ эгаси. У ҳаётдан она юрт, табиатидан маънавий, моддий маҳсулотлардан лаззат ва фахр туйғусини ҳис этиб яшайди. Руҳидаги шу туйғуларнинг ҳеч бўлмаса ўғил-қизларда, умуман олганда халқда ўзидан кейин ҳам яшаб қолишини истайди. Шу оддийгина бўлиб кўринган истак-орзу бадиий ижод дастгоҳидан оламшумул мазмун касб этиб дилларни сел қилувчи мисраларга айланади. Бадиий ижодни ким нимага қиёслайди. Мен улкан маънавий ошхонага ўхшатгим келади. Ким катта дошқозонда роман, эпопея, трилогиялар яратади. Ким ўз чўмичига дostonу қасидалар солади. Баъзилар шеър у гагал — баҳор салатларини тиради.

Эстетика фанида бадиий ижод турлари ҳақида гапирганда, поэзия ва прозанинг жанр хусусиятларини тавсифлаб бериш назарда тутилмайди, албатта, бу ишни адабиёт маромига етказиб бажарган.

Мақсад бадиий ижод турларининг инсон эстетик тасавурларини янгиллаши, ўзгартириши, ривожлантириши муаммоларини ечиб беришдир.

Санъат ва бадиий ижоддаги ҳар бир жанр шу вазифани қандай даражада бажараётганига қараб унинг эстетик қиймати белгиланади.

Инсон, айниқса, ижодкор бир хил кайфиятда муқим турмайди. Бу эса ижоднинг нафақат мазмун-моҳияти, балки унинг шакли ва жанрида ҳам ўз ифодасини топади. Бу эса эстетиканинг субъектив томонини ташкил этади. Эстетик дид ижод объектини, аниқроғи жанр танлашни эркин идрок, маънавий эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширади.

Унинг қалбида туғилган, келажакда айтмоқчи бўлган сир “туйғуни қай жанрда ифодаланади”, қайси ошхона

жиҳозида тайёрланади, манти қасқондами, шунга боғлиқ.

Бадий адабиётнинг жанр турлари: эпопея, трилогия, роман, повесть, ҳикоя, новелла, дoston, қасида, шеър, газал, рубой, тўртлик, туюк ва бошқа поэтик турларни драма, комедия, трагедия, миниатюра, кичик сахна кўри-нишларини ўз ичига олади. Бу турли-туман жанр ва воситалар инсон маънавий оламининг юксалишига ҳар хил йўллар орқали бир хил таъсир этади. Чунки турли хил таомлар келиб тушадиган жой ошқозон — битта. Бинобарин, бу шакл ва турларнинг инсон маънавий-эстетик тизимида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Худди шу ўринда айтиш керак, А. Қаҳҳорнинг: “Адабиёт атомдан кучлидир, унинг қувватини ўтин ёришга сарфламанг” деган ғоят пурмаъно ҳикмати албатта, юксак эстетик таҳсинга сазовордир.

Инсон яралибдики, ҳеч замон санъатсиз ёки ижодсиз яшай олмаган. Йўқса, ҳозирги замонавий тараққий этган санъат воситалари вужудга келмаган бўлар эди. Театр, кино, телевидение, электрон-компьютер-телеузаткичлар тараққиёти айнан шунинг маҳсулидир.

Ўтмишга нисбатан 100, балки 1000 маротаба жадаллаб кетган санъат тараққиёти ҳозирги замон кишисини маълум маънода оддий ҳайратланишдан жудо қилганини ҳам унутмаслик лозим. Бу фикрни шарҳлаш эса бошқа мавзу. Яхшиси шу ўринда Э. Воҳидовнинг “Ҳозирги ёшлар” шеърдан баъзи мисраларни эшлаш жоиздир.

*Энди бўларга ҳам ҳар қалай оғир.  
Замон шитоби тез. Парвози тикка  
Кеча тили чиққан Наргиза ўқир  
Биринчи синфда Математика.*

#### АДАБИЁТЛАР

А. Қаҳҳор. Танқидий мақолалар. Тошкент. 1973 йил.

Э. Воҳидов. “Ҳозирги ёшлар” шеъри, ёшлар газетаси. 1972 йил.

Б. Норбоев. Истиқлол ва истеъдод тарбияси. Тошкент. 1996 йил.

## ЎН ЕТТИНЧИ ДАРС

### МАВЗУ: НАФОСАТ ТАРБИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСИ.

1 соат маъруза.  
1 соат оралиқ назорат.

#### *Мавзу режаси:*

1. “Эстетика” ва “Нафосатшунослик” атамаларини қўллаш борасидаги фикрлар.
2. Эстетика нафосат тарбиясининг назарий асосидир.

Кейинги пайтларда матбуотда “эстетика” атамасини “нафосатшунослик” “нафосатнома” каби терминлар билан алмаштириш таклифи билан чиқишлар бўлди. Бизнинг фикримизча, дейди эстетика тарихи курси муаллифлари М. Абдуллаев, А. Йўлдошевлар; нафосатшунослик атамаси бу фан ўрганадиган муаммолар кўламини тўла ифода эта олмайди. Иккинчи атама илмий мазмунга яқин бўлмай, қоидалар мажмуини эсатади. Шунга кўра, биз жаҳон ижтимоийётшунослигида умум этироф этилган “эстетика” атамасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Эстетика” атамаси илмий адабиётларда турли конкрет маъноларда қўлланилади, у аслида ўз текшириш мавзусига эга бўлган махсус фандир. Бошқа бир соҳада, у хулқ-одоба, санъатдаги принципларни англатади.

Чунончи, ишлаб чиқариш эстетикаси, меҳнат эстетикаси, Навоий эстетикаси. Бинобарин, эстетикани жамият эстетик онгининг барча фаолият соҳаларида тадрижий ривожланиш тарихи сифатида тушунамиз, шунингдек асосан фаннинг шаклланиш ва тараққиёти сифатида тушунамиз.

Эстетика нафосат тарбиясининг назарий асосидир. Педагогика кишиларни эстетик руҳда тарбиялашнинг конкрет усул, шакл ва воситаларини текширса, эстетика бу тарбиянинг фалсафаси сифатида унинг назарий ва умумий тамойилларини ишлаб чиқади. Бошқача сўз билан айтганда, эстетик тарбиянинг стратегиясини эстеги-

ка, унинг конкрет соҳада, масалан, меҳнатда, турмушда, спортда, таълим жараёнида амалга оширишининг такти-касини ПЕДАГОГИКА ишлаб чиқади.

Пришвин таъбири билан айтилган “инсон бўлиб қолган табиат” ўз-ўзидан инсон бўлиб қолганми? Инсонда тарбияланган табиатни ҳис қилишда биз ниманидир топамизку, у фақат табиатдан завқланишгагина эмас, балки уни яхши тушунувчи, ҳаммасини равшан кўрадиган, ер, ўрмон, сув нима ҳақида гапираётганини эшитадиган инсонни назарда тутамиз. Масалан, шу нарса аниқланганки, айрим ўсимликларнинг пўстлоғи ва баргини шикастлаган киши яқинлашганда гўжанак бўлади ва аксинча, майин мусиқа оҳангидан ривожланади.

“Ҳайвонлар ҳаёти” асарининг муаллифи Брем бир неча ҳафта бурун жароҳатланган қарғани дарахт қавагида икки қарға овқатлантириб турганини кўришга муяссар бўлган. “Ҳайвонот оламида” деб номланган телевизион эшиттиришлардан бирида чумчуқ билан зағча тарихи ҳикоя қилинган эди. Чумчуқ оёғидан тузоққа илиниб, дарахт шохига осилиб қолади. Зағча тумшуғи билан ипни узиб, уни озодликка чиқаради. Бу дилкашлик ва ўзаро ёрдамни нима деб аташ мумкин. Буни инсонлардаги бурч, раҳм қилиш, ҳамкорликка таққослаш мумкин.

Итнинг қанчалик садоқатли ва ҳимматли бўлишини биламиз. Инсон уни шунчаки боққани учун эмас. Ит ўз эгасининг вафотига бардош беролмаслиги воқеалардан маълум.

Демак, табиатда бизга ва бизнинг хатти-ҳаракатимизга ўхшаш нимадир бор. Йиртқич ва паррандалар ҳам “одам”, дейди Дерсу Узала.

Боязиднинг йўлни тўсиб олган йўлбарсни бўйнидан кучиб ушлаб тургани ва муридлар йўлдан бемалол ўтиб олганлари ҳақидаги ривоят ҳам характерлидир. “Инсон бўлиб қолган табиат” деган фикрнинг икки томони бор. Биринчиси, ҳозиргина биз таъкидлаган табиатда бизга ва бизнинг хатти-ҳаракатимизга ўхшаш нарсалар борки, улар инсон бўлиб қолишни ваъда қилади. Иккинчиси ва энг муҳими, биз шунчаки табиат эмасмиз, инсон

бўлиб қолган табиатмиз. Бу шуни англатадики, бизлар ёввойиликларга чек қўйиш ва ўзимизда табиатига нисбатан, кичик оға-инилармизга нисбатан инсоний муносабатни тарбиялашга ишорадир. Айнан, инсонийлик, гўзаллик, олижаноблик, мардлик тушунчалари табиатга ва жамиятга бўлган ижобий муносабатлар орқали ривожлантирилади.

Табиат нафосати инсон нафосатига уйғун бўлиб, эстетика бу икки уйғунликнинг фалсафий-назарий жиҳатларини текшириш ва ўрганиш объектидир.

#### АДАБИЁТЛАР

Эстетика тарихи. 1996 й.

*В. И. Тольстух.* “Эстетик тарбия”.

### ЎН САККИЗИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ.

2 соат маъруза.

##### *Мавзунинг режаси:*

1. Санъат ва санъатнинг тур ва жанрлари.
2. Бадий адабиёт — сўз санъати.
3. Назм ва наср, театр.
4. Драматургия — театрнинг асоси.
5. Кино — энг оммавий санъат.
6. Санъатнинг яна бир тури — телевидение.
7. Телекоммуникациянинг асосий воситаси — телевидение дастури.
8. Ҳаваскорлик санъати.

Эстетик тарбия ишлаб чиқариш ва меҳнат маданияти, муносабат ва хулқ маданияти, турмуш ва дам олиш маданиятини оширишнинг зарур шартидир.

Мактаблар, лицейлар, коллежлар, олийгоҳлар эшиклари ёшлар учун катта очиқ. Техника тараққиёти, ёппасига кинолаштириш, телевидение, кутубхоналар, маданият уйлари, техника ижодкорлари уйлари, клуб ва ижодий

жамоалар, дам олиш ва ижод қилиш учун ташкил этилган.

Санъат нима эди, эслаб олайлик. Санъат — объектив — субъектив таъсирчанликнинг диалектик бирлигидир. Одатда бадиий тасвир, ҳайкал, безакли — амалий санъат, кино, театр намойишларини кўз орқали кўрамиз, мусиқани, қўшиқни, шеърни тинглаймиз. Баъзи санъатни ҳам кўрамиз, ҳам тинглаймиз. Санъат турлари санъат асарининг нимадан тайёрланганига қараб фарқланади.

Биронта санъат табиат гўзаллиги ва улғуворлигини тасвирлашда ранг-тасвир билан рақобат қилолмайди. Биронта санъат инсон психологиясини адабиётдек очиб беришга қодир эмас. Бу эса санъатнинг ўзига хос хусусиятларидир. Санъат ахлоқий тарбиянинг таъсирчан воситасидир.

Бунга мисолларни китобхон, тамошабин, тингловчи, ҳаваскор фаолиятидан топамиз.

Санъат воқеликни қайта акс эттиришдир, такрорланган, бамисоли янгидан яратилган оламдир, дейди В. Г. Белинский. Бироқ, санъат ўзининг ижтимоий мақсадларини турли усуллар ва воситалар билан амалга оширади. Санъатда бадиий умумлашма ва типиклаштириш асосий ўрин тутади. Бинобарин, санъат мақсади бадиий образ яратиш бўлган бадиий ижоддир. Меъморчилик, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, мусиқа, кинематография, тасвирий ойна — барчасида образлар яратилади ва улар хусусиятини очиш ва тушуниш керак.

Ҳар бир санъат ўз ичида яна жанрлар билан фарқ қилади. Масалан:

Кинематография — бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультипликация ва клип фильмлари.

Мусиқа — қўшиқ, симфония, опера, пьеса.

Ранг-тасвир — тематик картина, пейзаж, портрет, натюрморт ва ҳоказо.

Меъморчилик — чизма, нақш, дурадгорлик, безакчилик, сувоқчилик, буёқчилик ва ҳоказо.

Бадиий адабиёт — сўз, фикр, ифода, ҳис, туйғу, сезги, ҳаяжон ва ҳоказо.

Жанрлари:

Назм, наср, театр — улар ўз ичида жанрларга бўлиниб кетади. Масалан:

Назм — иккилик, тўртлик, рубоий, шеър, сонет, қасида, достон, поэма.

Наср — ҳикмат, парема, қочирим, бир қайнови, латифа, аския, қатра, ҳикоя, новелла, повест, роман, трилогия, эпопея.

Адабиёт — сўз санъати, адабиёт — инсоншунослик. Адабиёт — бадиий ифода мактаби. Адабиёт — онг, тафаккурни, ҳис ва туйғуни, эзулик ва нафратни, умуман, руҳий-маънавий инсон оламини қўзғатувчи, таъсирлантирувчи, ўзгартирувчи ва бутунлай янгиловчи руҳий-психологик механизмдир.

Драматургия — театрнинг асоси. Театр — бадиий адабиёт. Тасвир объектини сахнада жонлантириш. Бадиий воқеа — ҳодисани образлар орқали сахна ҳаракатлари асосида намоиш қилиш. Синфга савол ташланади.

Қандай сахна асарларини биласиз?

Кино — энг оммавий санъат.

Телевидение — санъатнинг яна бир тури.

Телекоммуникациянинг асосий воситаси телевидение дастури. Масалан, Сиёсий-иқтисодий кўрсатувлар, Адабий-бадиий кўрсатувлар, табиат оламида, космос оламида, Оталар сўзи..., фан оламида ва ҳоказо. Юқорида санаб ўтилган эстетик тарбия воситалари инсоният ҳаётига шунчалик сингиб кетганки, ҳозирги жамият ўзини уларсиз тасаввур қилолмайди.

Образли айтганда нондан, ошдан ҳам аввал мусиқа, ётар, турар жойимизда амалий санъат, ошхона-ю, ювиниш хоналарида ойна ва дизайн, туриш-турмишимизда эстетик файз жадал кириб келмоқда. Аммо, барча даврларда барча айтилганларнинг ўрнини босиб, инсон маънавий-эстетик эҳтиёжларини аъло бажарган Адабиёт — бадиий асар ўқиш кўрсаткичи бугунги кунга келиб жуда тушиб кетди. Шунинг учун ҳам ҳақиқий муҳаббат олий туйғудир деган сўзнинг маъносини ҳеч ким чақмай қўйди. Чунки фаолиятни ўргатадиган, севишни ўргатадиган, яшашни ўргатадиган бу — адабиётдир.

Айниқса, поэзияга муносабат тушкин ҳолда. Шеър — бу ҳаётни юксак эмоционал идрок этиш ва акс эттириш шакли. Шеърят инсоннинг субъектив кечинмаларини ифода этувчи воситадир. Чунки субъектив кечинмалар доим шахсий бўлади. Шунинг учун ҳам Шеър бу — шахсий ҳодиса. Шеърят ғоят шахсий санъат.

Унинг ўта мужассамлангани ҳар бир киши қалби, хаёли фантазияси мужассамлигини ифода этади ва киши беихтиёр шеърни ўқиганда “менинг дилимдаги гапимни ёзибди” деб ўйлайди. Бинобарин, шеър илҳом — кашф садосига киради ва у илоҳий ҳодиса ҳисобланади.

## АДАБИЁТ

*В. И. Тольстух.* “Эстетик тарбия” дарслиги.

### ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС

#### МАВЗУ: МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ВА ЭСТЕТИК ГЎЗАЛЛИК.

1 соат маъруза.

1 соат амалий машғулот.

#### *Мавзу режаси:*

1. Нафосат тарбиясида меҳнат эстетикаси.
2. Инсоний муносабатлар (гуманизм) гўзаллиги.
3. Ишлаб чиқаришда эстетик асос.
4. Ички ва ташқи маданият.
5. Ҳар томонлама камол топган инсон.

Бўлажак ёш ишчи — қурувчи, токаръ, механизатор, электромеханик ёки пазанда эстетика фанининг асосларини билмаслиги мумкин эмас. Мустақил жамиятнинг мустақил кишиси ёки ишчиси ўз касби ва ихтисослиги бўйича жаҳон стандартлари, талаблари ва меъёрини билмаслиги сабабли бозор иқтисодиёти шароитида рақобатдан ортда қолади.

Меҳнат тарбияси ҳам сиёсий ва ахлоқий тарбия каби мустақил мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир. Эстетик тарбияни жамиятимизнинг юксак ҳуқуқий-демократик давлат тузиш йўлидаги муҳим восита даражасига олиб чиқиш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан биридир.

Меҳнат — инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятининг асоси. Жамият бойлиги меҳнат билан яратилади. Меҳнат боқади, кийинтиради, бошпана беради. Меҳнат кези келганда омад, бахт, мартаба, шон ва абадийлик бағишлайди.

Аммо, у қандай меҳнат! У эзгуликка хизмат қиладими ёки ёвузликка, у зарурий меҳнатми ёки мажбурийми? Меҳнат жараёни қандай ташкил этилган, ўз касби, ҳунарини севган кишилар жамоасиданми ёки тескарисими? Меҳнатнинг натижаси роҳат ва фойда келтирадими ёки йўқми ва шу каби жуда кўплаб омилларга боғлиқ бўлган. Меҳнат тушунчаси Меҳнат эстетикаси деган тушунчага ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат эстетикаси деганда меҳнатдаги бадий асос тушунилади.

Фан инсоннинг ижтимоий мавжудот бўлиб уни табиатдан ажралиб чиққанлигини таъкидлайди. Дин эса унинг илоҳийлигини; табиат — тупроқ, Аллоҳ-жуз-руҳдан ташкил топганлигини илоҳий китоблар орқали асослайди. Лекин ҳар иккисида ҳам инсоннинг инсон бўлишида меҳнатнинг аҳамияти тенг дейилади.

Инсон меҳнати ривожининг муайян босқичида маданият вужудга келди.

Ҳайвонлар ҳам меҳнат қилади. Масалан: кундуз тўғон солади, ўргимчак тўқийди, йиртқич ўзига уй қуради ва ҳоказолар. Улар меҳнати инстинкт асосида бўлиб, инсон меҳнати эса мақсад асосида бажарилади.

Инсон бирор ишни бошлашдан аввал фикран ўз олдига мақсад қўяди. Нарсани ясаш ёки қуриш жараёни эстетик туйғуни келтириб чиқаради. Агар инсон тош ёки суякка ишлов бериб, болта ёки идиш ясаб, ҳайвонлар шаклини қирқиб, ўз қўлларини ва онгини машқ қилдирма-

ганда эди, у бадийий образлар яратиш даражасига етиб келмаган бўлар эди.

Ҳар бир жамият инсонлар учун қабул қилинган умумий ахлоқ меъёрлари ва муносабатларига амал қилган ҳолда яшайди ва тараққий этади.

Мустақил жамиятимиз кишилари жаҳон андозаларига мос келадиган ва ўз миллий хусусиятларини асос қилиб олган — янги ҳуқуқий демакратик жамият мафкураси принципларига амал қиладилар. Шўро мафкурасидан қолган миллий маҳдудлик, юзакилик, тенгсизлик каби ахлоқий-ижтимоий иллатлардан қутилиш, бутунлай янги жамиятни қуришга ўзини бағишлаш истиқлол яратган инсоннинг энг зарур ва энг гўзал инсоний бурчи бўлиб қолди. Ҳар бир кишининг жамоа олдидаги жавобгарлиги ҳамда жамоанинг ҳар бир аъзо учун жавобгарлиги турмуш тарзимиз асоси бўлади.

Инсоннинг ахлоқий гўзаллиги унда бурч туйғуси ривожланганлигига боғлиқ.

Инсонийликнинг БУРЧ принципи унинг ички эътиқоди ва ахлоқий туйғусидир. ЭТИКА фанида бу туйғу яхши тушунтирилган. Демак, бу тушунча инсоний қадр-қийматдир. Инсон ўзининг шахсий қадр-қиймати, яъни ўзини ҳурмат қиладиган ва ўзига юксак талаблар қўядиган, ривож топган туйғуси билан, бошқаларни “айблаши” учунгина эмас, балки бошқача ҳаракат қила олмаслиги, виждони йўл қўймаслиги ҳамда ўзининг олдида уят бўлиши мумкинлиги учун ҳам ахлоқий ҳаракат қилади. Шахсий қадр-қиймат туйғусининг қудратли эканлигини тўла маънода баҳолаш учун шундай саволлар беринг: Агар барча одамлар шахсий қадр-қиймат туйғусига эга бўлганда, кўча-қуйда милиция, ишлаб чиқаришда тех. назорат кабилар керак бўлармиди?

Инсоний муносабатлар гўзаллиги — шахс қадр-қиммати инсоннинг умумий маданияти ва ахлоқий камолоти дир.

Инсоннинг ахлоқий сифатларига Дўстлик ва ўртоқлик муносабатлари, Йигит ва қизлар, Кичиклар ва катталарга бўлган муносабатларни санаб ўтиш мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги эстетик асос — кўкаламзорлаштирилган, деворлар оқланган ва бўялган, ойна ва поллар тозалаб ювилган, кўргазма тасвир воситалари дид-фаросат билан илиб кўйилган. Хуллас, ишлаб чиқаришнинг ташқи кўриниши ишчини қувонтириб, кайфиятини кўтармоғи лозим.

Инсон организми меҳнат жараёнида уйғун ривожланиши керак. Шунинг учун гимнастикалар жорий этилган.

Ишлаб чиқариш шароитида кўриш катта аҳамиятга эга. Ташқи олам ҳақидаги барча ахборотларнинг 90 фоизи кўриш орқали юз бериши аниқланган. Кўз кўёш спектридаги рангнинг 120 хилини, тиниқлиги бўйича 25 дан ортиқ даражасини фарқлай олади. Ишлаб чиқаришда шовқинга қарши кураш ҳам асосий муаммодир.

**Техника эстетикаси** — ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришининг эстетик томонини ўрганадиган фан.

Дизайн — ишлаб чиқаришда рассомлар, дизайнерлар томонидан бўлажак буюм лойиҳасини яратилишини ҳам ўз ичига оладиган эстетик фаолиятнинг тури ҳамда ижод натижаси, эстетик сифатга эга бўлган тайёр саноат буюми. Техника эстетикаси — дизайн назариясидир.

Ҳар томонлама камол топган инсонни тарбиялаб етказиш нафосат тарбиясининг асосий принципларидан биридир. Чунончи, бутунлай саводсиз, нодон ва жоҳил инсон билан бир неча тилни биладиган, ўз касбий ихтисослигини яхши эгаллаган, сиёсий-ҳуқуқий билимларга эга, ўз иш жойида ва ўз оиласида маълум ҳурмат ва ўринга эга бўлган ички ва ташқи жиҳатдан маданиятли — Оддий инсон ўртасида фарқ борми? Бор. Бинобарин, шу инсон эстетик қозон ичида бир неча йиллаб “қайнади” ва “қайта ишланди”. Ҳалиги жоҳил, нодон киши эса қозон атрофида қолиб кетди. Қозон ичига тушмади ва қайта ишланмади.

Замонавий кишини тарбиялаш учун замона интеграцияси, коммуникацияси, билиш ўчоқлари, тараққий этган давлатлар тажрибаси, айниқса, фаол ўзаро тажриба алмашувлар, санъат, вақтли матбуот, бадиий адабиётнинг ўрни беқиёсдир.

## ЙИГИРМАНЧИ ДАРС

### МАВЗУ: ОИЛАДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ, ЎҚУВЧИЛАРНИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ВОСИТАСИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ.

1 соат маъруза.

2 соат савол-жавоб ва такрорлаш.

#### *Мавзу режаси:*

1. Ижтимоий муҳит, ота-она, устоз ибрати. Оилавий муносабатлар мослиги.
2. Инсоннинг ташқи қиёфаси.
3. Дам олиш маданияти.
4. Тарбияда бадий адабиётнинг ўрни.
5. Санъат — эстетик тарбия воситаси.

Инсон — ижтимоий ҳодиса. Туғилиб, гўдаклик пайтиданок инсоний муносабатлар ўчоғига дуч келади. Ота ва она ўз гўдагини энг аъло меҳр ва мурувват билан кутиб олади ва табиатдаги энг мўътабар нарсалар билан таништиради. Фарзандига нима яхши-ю, нима ёмонни ёшликдан сингдиради.

Халқда шундай нақл бор: “Қуш уясида кўрганини қилади”. Аввало, тоза ва соғлом муҳитдан тоза ва соғлом авлод етишиб чиқади. Қуёшсиз ва нотабиий муҳитда ўсимлик сўлиб қолганидек, ноҳалол ва норасо муҳитда одам фарзанди том маънодаги одам бўлиб шакллана олмайди. Масалан, шундай ривоят бор: Ҳиндистонда бўри олиб қочган Амола ва Камола фожеаси. (фожеа ҳақида эслаб ўтилади).


Эстетик онги ривожланган кишилар жамиятини барпо этиш инсониятнинг юксак орзуси бўлиб келган ва бундай жамиятларни замонлар давомида кишилар тузиб ҳам, бузиб ҳам кўрганлар. Масалан: Ўрта асрлардаги “хаёлий коммунизм”, Марказий Осиёдаги “жавонмардлар” мисол бўла олади. Бироқ ҳар қандай тажриба орқали шахсни ташкил этувчи турли муносабатларнинг уйғунлигига олиб борадиган йўл қандай? Қандай қилиб ўзига бўлган муносабат (ўз-ўзини англаш) ўзгаларга, жамиятга қай тарзда фойда келтиради? Оилавий муносабатларнинг мослиги — бу манти-

қий-эстетик мосликдир. Оилавий уйғунликка эришувнинг асосий омили барча бир-бирини тушунишга ва ҳурмат қилишга интилишидан иборатдир. Ахир, мослик турли тушунча ва қарашлар бирлигидир. Мослик философияси табиийки, уйғунлик философиясини келтириб чиқаради. Табиатда ва жамиатда барча нарса ва ҳодисалар ўз уйғунлигига ва тақомилига эришиш учун интилади. Тўрт кунлик дунёнинг уйғунлик философиясини доира шаклида белгиласак, ибтидодан интиҳогача қайси босқич уйғунлик босқичи эканини аниқлаш мумкин, масалан: Уйғунлик — фалсафаси чизмаси (илова).


Ҳаётдаги 4 кунлик умр ёш хусусиятларига нисбатини кўриб чиқайлик.

Инсон умрини доира билан белгиласак:

### 1-Вариант



### 2-Вариант



Инсонда одобрилиқ туйғуси ривожланган бўлса, у маданий ва гўзал хатти-ҳаракат қилади. Кишилар билан оҳиста, одобли, эҳтиёткорона муомала — ҳақиқий ўзаро инсоний муносабатларнинг зарурий шартини эканини яхши англай олади.

Инсоннинг ташқи қиёфаси унинг умумий маданияти ва тарбияланганлигининг кўрсаткичи сифатида қабул қилинади. Бинобарин, ташқи қиёфа маданияти шахсининг гармоник камолоти атрофдагилар инсон ички фазилатини тўғри идрок этишининг муҳим шартидир.

Бошқаларга ёқиш, гўзал ва замонавий киши бўлиш истаги ёшликнинг таркибий қисмидир. Инчунин, ташқи қиёфа гўзаллиги учун қайғуриш ягона мақсад бўлмаслиги, яъни кишининг ички маданияти, ахлоқий сифати ва эътиқодини камол топтириш ҳақида ғамхўрлик қилишдан устун келмаслиги лозим. Чунки биз унинг кўйлаги ёки чиройли сочигагина қараб эмас, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, меҳнат қилиши, интеллектуал ва эмоционал ривожланганлигига қараб ҳукм чиқарамиз. Иккинчидан, Аллоҳ инсоннинг ташқи қиёфасини такрорланмас индивидуалликда, бошқа бировга “ўхшамаганликда” яратган. Киши ўзининг ташқи қиёфасини безашга ҳам ижодий ёндошишга ўрганмоғи лозим.

Дид билан кийиниш ҳар бир киши эгаллаб олиши лозим бўлган санъатдир. Кийим маданияти тушунчасида безаниш ва кийиниш мақсади ётади. Безаниш осон, кийиниш эса қийин. Яъни маданий кийиниш қийин. Безаниш учун ранглар, турли зийнатлардан фойдаланилади.

Маданий кийиниш учун эса, ўз-ўзингни яхши билишинг, ўз қадрингга етишинг, нуқсонларни кўрсатмаслигинг керак. Фаслларга, маросим, урф-одатларга қараб кийиниш ташқи қиёфани ҳосил қилади. Унинг маданиятчилиги ёки маданиятсизлиги, одоблилиги ёки тарбиясизлиги ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради.

Мода — ижтимоий ҳодиса, у фақат кийимдагина намоён бўлмайди.

Мода — ҳар доим кимгадир, нимагадир тақлид қилиш эҳтиёжи. Мода бўлгани учун сигарет чекиш, ҳамма олгани учун шу мебелни олиш, шу костюмни кийиш ва ҳоказо.

Модага тўғри муносабатда бўлиш шахсий қадр-қимматни оширади. Маданиятли кишига ҳеч қандай мода қўрқинчли эмас.

**Дам олиш маданияти.** Вақт жамиятнинг асосий бойлиги. У иш вақти ва бўш вақтга ажратилади. Бўш вақт ҳам ҳордиқ чиқариш вақти, ҳам янада улугроқ ишларга бағишланган вақт бўлиб, унда бу вақт шунчаки вақт эмас, фаол юксалиш вақти бўлиб қолади. Агар бўш вақт айнан “бўш” бўлса, Герценнинг ушбу сўзлари мос келади: “Ҳеч нарса қилмасликдан кўра ҳам оғир азоб йўқ”.

Бўш вақт маданиятини ташкил қилиш, ўйин-кулги, спорт, санъат, томоша ёки бирор машғулот, уйдаги юмушдан иборат бўлиши мумкин.

Дам олиш маданиятини ташкил этишда табиийки, бадий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Биргина яхши асарни бўш вақтда ўқиб чиқиш кишининг нафақат эстетик қарашлари, балки унинг руҳий маънавий оламини безайди ва юксалтиради. Бинобарин, радио, телевидение, кино, театр ва бошқа санъат турларининг инсон маънавий эҳтиёжларини қондириш асло бадий адабиётнинг самарасидан кам эмас.

Дам олиш дақиқаларида бирор юмушни оила аъзолари билан биргаликда бажариб бўлгач, бир пиёла чой атрофида ўқиб чиқилган китоб ёки томоша қилинган кино мунозарасини ўтказиш, ёхуд бир сафар расом кўргазмасига бориш, яна бир сафар табиат қўйнига ёки театрга бориш, оилавий муносабатлар уйғунлигини юксалтиради. Уйғунлик эса бу — гармониядир. Баъзи бир олимлар уйғунлик — гармония сўзини ўзбекча — мураттаб термини билан ифодаламоқдалар.

- а) Онанинг гўдакга бўлган муносабати — мураттабдир.
- б) Отанинг оилага бўлган муносабати — мураттабдир.
- в) Одамнинг табиатга бўлган муносабати — мураттабдир.
- г) Одамнинг жамиятга бўлган муҳаббати — мураттабдир.
- д) Одамнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати — мураттабдир.
- е) Одамнинг ҳаётга бўлган муносабати — мураттабдир.

Мана шу гармония бузилган жойда хатоликлар ва фожеалар содир бўлади.

#### **Хулқ-атвор ва турмуш эстетикаси.**

Инсон одобли бўлиб туғилмайди, одобли бўлиб тарбияланади. Одобли кишилар одатда, инсон шахсини ҳурмат қилади. Шу сабабдан, ҳамиша марҳаматли, юмшоқ, ёқимли, кўнгилчан бўладилар.

Маълумки, инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин у табиатнинг тарбияланган, парваришланган, яъни инсоний бўлиб қолган бўлаги. Демак, у маданиятли зотдир. Маданиятни шартли равишда ички маданият ва ташқи маданиятга ажратиш мумкин.

**Ички маданият.** Инсоннинг маънавий бойлиги, ақлий-ахлоқий ривожланганлиги, дунёқараши ва ҳаётий қизиқишларининг кенглиги ва маданий ҳиссиёт, ахлоқий поклик, виждонлилиқ, яхшилик, ҳамдардлик...

**Ташқи маданият.** Жамиятда умумий қабул қилинган ахлоқ қоидалари, одоб нормаларига риоя қилиш. Ҳаёт, турмуш, иш, одамлар ва ўз ташқи қиёфасига нисбатан маданий муносабатдир. Масалан: Танбеҳ қандай шаклда берилди — ўзрлими ёки қўпол шаклда.

Сухбатдошинг сен билан қандай оҳангда — такаббурилик биланми ёки хайрихоҳлик билан гаплашдим.

Ўзида ташқи ва ички маданиятни узвий уйғунлаштира олган киши ОДОБЛИ кишидир. Шунга кўра, шахс барқарорлиги, инсоний муносабатлар гўзаллиги, йигит ва қизлар муносабати, дўстлик ва ўртоқлик одоблилик доирасида таркиб топади. *Дўстлик* — муҳаббат, умумий манфаат, хайрихоҳликка асосланган ўзаро боғлиқликдир.

## МУНДАРИЖА

Биринчи дарс .....	4
Иккинчи дарс .....	6
Учинчи дарс .....	9
Тўртинчи дарс .....	13
Бешинчи дарс .....	19
Олтинчи дарс .....	23
Еттинчи дарс .....	27
Саққизинчи дарс .....	30
Тўққизинчи дарс .....	33
Ўнинчи дарс .....	37
Ўн биринчи дарс .....	41
Ўн иккинчи дарс .....	44
Ўн учинчи дарс .....	46
Ўн тўртинчи дарс .....	48
Ўн бешинчи дарс .....	51
Ўн олтинчи дарс .....	53
Ўн еттинчи дарс .....	56
Ўн саққизинчи дарс .....	58
Ўн тўққизинчи дарс .....	61
Йигирманчи дарс .....	65

**ШОҲИСТА СИДДИҚОВА**

**ЭСТЕТИКА**

**(Қисқача курс)**

*Ўзбек тилида*

**Муҳаррир Илҳом ЗОЙИР**  
**Мусаввир Темур САЪДУЛЛА**  
**Тех. муҳаррир Валентин ВЕРЕМЕЮК**  
**Мусаҳҳиҳ Зиёда ЛАТИФҲОН қизи**  
**Компьютерда тайёрловчи Кира Голдобина**

ИБ № 358

Теришга берилди 14.03.2002 й. Босишга рухсат этилди 05.04.2002 й.  
Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Шартли босма табағи 5,0. Нашр босма табағи 4,5.  
Адади 5000 нусхада. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 42

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент-129,  
Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр рақами № 9.

МЧЖ «Алгаріnt» босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳ. Байқаро, 51.